БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 44 (16.734). | 22 февраль 1977 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

◆ УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ТОБОРА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

◆ МЕҲНАТ АҲЛИ ЭРИШАЕТГАН ЮТУҚЛАРГА ЮҚСАК БАҲО

◆ ДЕҲҚОНЛАРНИНГ КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ ҚИЗҒИН

◆ ЭРТАГИ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШГА КИРИШИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЎРМОНЛАРИ

Ўрмонларни ернинг либоси деб аташади. Саноат учун хом ашё ҳам, дарёларнинг саҳовати ҳам, иқлим ҳам, инсон сиҳат-саломатлиги ҳам ўрмонларга боғлиқ. Ўзбекистоннинг ўрмон фонди қандай, беш йилликнинг иккинчи йилида уни ривожлантириш планлари қандай? Тошкентда 21 февраль куни республика ўрмончиларининг бўлиб ўтган кенгашида ана шу ва бошқа масалалар тўғрисида гаплашиб олинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат ўрмон хўжалиги комитетининг раиси Ф. Ф. Фахриддинов 1976 йилда ўрмон хўжалигини ривожлантириш якунлари ва юбилей йилидаги вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар республика ўрмончилари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ям-яшил воҳаларни кенгайтириш ва бойитиш, табиатни муҳофаза қилиш хизматини яхшилаш сохасидаги ишни авж олдириб юборганликлари тўғрисида гапирдилар. Ўзбекистонда бепоён қумликлар ва тоғ ёнбағирлари ўрмонзор қилинган ўн минг гектарлаб майдонларда далаларни ихота қиладиган дарахтзорлар барпо этилган, ёнғоқ ва мевали дарахтлар ўтказилган, йигирмадан ортиқроқ қўриқхона ва заказник барпо этилган. Беш йилликнинг иккинчи йилида тармоқ ходимлари олдига катта вазифалар қўйилган. 90 минг гектардан ортиқроқ ер ўрмонзор қилиниши, 1800 гектар ихота дарахтзорлари барпо этилиши, тоғ зоналарида 2300 гектар ер боғ қилиниши керак.

Кенгашда шу билан бирга тоғ ёнбағирларини, қумликларни ўрмонзор қилиш, шунингдек шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларни кўкламзорлаштириш вазифаларини ҳал этишда анчагина фойдаланилмаётган резервлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, ўрмон мелиорация ишларида комплекс механизацияни кенг жорий этиш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Қурбонов кенгашда нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. Мамарасулов иштирок этдилар.

Илғор ўрмончилардан бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўрмон ходими» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва кўкракка тақиб юриладиган тегишли нишонлар топширилди.

Кенгашда Ўзбекистон ўрмончиларининг 1977 йилги социалистик мажбуриятлари қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

КАДРЛАРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

Совет кишилари беш йилликнинг иккинчи йилини зарбдор ишлаш билан нишонламоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан оширилган мажбуриятлар ва муқобил планлар қабул қилиб, ишлаб чиқаришни интенсивлашга, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга, ишларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу шароитда ишлаб чиқариш раҳбарларининг корхоналар фаолияти учун, хўжалик юритишнинг пировард натижалари учун роли ҳамда масъулияти янада кўпроқ ортади.

Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида бундай деди: «Самарадорлик ва сифат учун курашнинг маъноси шуки, ҳар бир раҳбар ва ҳар бир мутахассис ленинча иш услубини, ленинча бошқариш фанини эгаллаб олиши, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишнинг замонавий методларини қарор топтириши, фан-техника ютуқларини жорий этишда актив курашчи бўлиши керак».

Партиянинг ғамхўрлиги туфайли кейинги йилларда бошқарув фанини тўла-тўкис эгаллаб олган ишлаб чиқариш ташкилотчиларини тайёрлаш учун кўп иш қилинди. Бир неча йиллардан бери хўжалик ходимлари ва мутахассислар аттестациядан ўтказилаётганлиги шу тадбирлар системасида муҳим бўғин бўлиб қолди. Унинг мақбул эканлигини тажриба яққол исботлаб турибди. Аттестациядан ўтказиш ишни КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифалар даражасида олиб боришга қодир бўлган кадрларни тарбиялаб вояга етказишнинг яхши мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Химия, кўмир, кемасозлик, автомобиль саноати, қора ва рангли металлургия, алоқа, граждан авиацияси министрликларининг корхоналари ва ташкилотларида бу ишга доимий эътибор берилмоқда. Аттестация комиссияларининг хулосалари кўпчилик мутахассислар чуқур билимли қилиб тайёрланаётганлиги, улар экономикамиз ривожининг ҳозирги босқичи талабларини яхши тушунишини тасдиқлайди. Одатда, хўжалик кадрлари ўзлари эгаллаб турган лавозимларга муносибдирлар, уларнинг кўплари юқори лавозимларга кўтариш учун тавсия этилди. Шу билан бирга ходимларнинг бир қисми аттестациядан ўта олмади, уларнинг баъзи бирлари қайта аттестациядан ўтказилади, бошқалари эса орқада қолганликлари, ишга ҳалқит бераётганликлари сабабли илгариги лавозимларида қолишлари мумкин эмас.

Аттестациядан ўтказиш ишига пухта ўйлаб ёндашилаётган, синчиклаб тайёргарлик кўрилаётган жойларда кадрларнинг ижодий активлиги ошмоқда. Масалан, Химия саноати министрлиги системасида яхши тажриба орттирилди. Бу ерда ҳар йили аттестация графиклари тасдиқлаб қўйилмоқда ва шу графиклларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Бу ишда партия ва жамоат ташкилотлари доимий иштирок этмоқдалар, одамларнинг сиёсий, амалий ва маънавий фазилатларини тавсифлайдиган фикр-мулоҳазалар атрофлича муҳокама қилинмоқда. Ҳозир тармоқдаги деярли ҳамма раҳбар ходимлар ва мутахассислар аттестациядан ўтказилди, уларни янада ўстириш учун шароит яратилди.

Бироқ кадрларни аттестациядан ўтказишга ҳамма жойда ҳам ана шундай талабчанлик билан қараладиганлиги йўқ. Бир қанча министрлик ва идораларда бу ишга етарли баҳо берилмаётганлиги, суст олиб борилаётганлиги кўриниб турибди, натижада бу иш дуруст самара бермаётир. Оғир саноат корхоналарида ходимларнинг 26 проценти шу пайтгача аттестациядан ўтказилгани йўқ. Қишлоқ хўжалигида аттестациядан ўтказилмаган ходимлар 35 процентга, ўрмон саноатида эса ҳатто 67 процентга боради. Муҳим ишга турлича ёндашилаётганлиги эътиборни ўзига тортади: баъзи тармоқларда аттестациядан ўтказишни лозим бўлган ходимлар рўйхати лавозимларни жуда кўпчилигини ўз ичига олса, бошқаларида ярмисини, учинчиларида эса барча раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг атиги 30 процентини ўз ичига олади. Қайта аттестациядан ўтказиш муддатлари ҳам турлича: беш йилдан уч йилгача, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ҳамда конструкторлик ташкилотларида эса ҳатто икки йилда бир марта қилиб белгиланган. Текшириб кўрилган ягона системанинг йўқлиги кадрлар билан ишлашга салбий таъсир қилаётганлигининг сабаби равшан.

Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, бошқа манфаатдор идоралар аттестациядан ўтказишнинг типовой тартибини ишлаб чиқишлари, аттестациядан ўтказиладиган хўжалик ходимлари доирасини кенгайтиришлари, кадрларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низомга, шунингдек мутахассисларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисидаги тармоқ инструкцияларига ҳаёт тақозо этган ўзгартишларни киритишлари лозим эди.

Ҳозир саноат икки ва уч бўғинли бошқарув системасига ўтмоқда, янги структуравий бўлинмаларнинг раҳбар аппарати тузилмоқда. Шу муносабат билан одамларнинг билимларига, ташкилотчилик қобилиятларига баҳо беришдаги ҳар қандай расмиятчилик кўринишлари айниқса хатарлидир. Аттестациядан ўтказишни, ҳар бир кишининг ўз ишини қандай уддалаётганлигини, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини оширишга қандай ҳисса қўшаётганлигини ҳисобга олмай, эгаллаб турган лавозимига бўлган ҳуқуқини шунчаки тасдиқлаб қўяқолишдангина иборат қилиб қўйилиши мумкин эмас. Раҳбар ходимнинг ахлоқий қиёфасини, унинг коллективга таяниш, тарбиячи бўлиш маҳоратини ҳам ҳисобга олиш керак. Озиқ-овқат саноати, сув хўжалиги, «Союзсельхозтехника»нинг айрим корхоналарида аттестация юзани ўтказилди, бу эса муқаррар равишда хатоларни келтириб чиқарди. «Туркменгазпром», «Кемеровуголь»; «Туймазанефть» бирлашмаларида аттестациядан ижобий ўтказилган ходимларнинг бир қисми заиф раҳбарлик қилаётганлиги, интизомни бузганлиги учун уларни тез орада лавозимидан бўшатишга тўғри келди.

В. И. Ленин кадрларни тайёрлаганда — одамни амалий ишда текшириб кўриш, унинг қобилиятини билиш, унинг фаолият натижалари қандай натижалар эканлигини аниқлаш ва шундан кейингина тегишли миқёсдаги ижрочилик, бошқарув ишига қўйиш лозим, деб таълим берган эди. Министрликлар ва идоралар, уларнинг партия ташкилотлари аттестациядан ўтказиш соҳасида орттирилган тажрибани ҳар томонлама ўрганишлари, йўл қўйилган нуқсонлардан сабоқ чиқариб олишлари, ишни такомиллаштиришнинг конкрет йўлларини белгилашлари лозим. Бунда маҳаллий партия комитетлари актив роль ўйнашлари, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш устидан доимий контроллик қилишлари керак. Аттестациянинг таъсирчанлигини ошириш тўғрисида партиявий принципиаллик ва сабот билан ғамхўрлик қилиш, расмиятчиликнинг, талабчанлик қилмасликнинг пайини қатъият билан кесиб ташлаш, ўтказилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаларидан кўпчилик хабардор бўлишига эришиш зарур.

Раҳбар хўжалик кадрлари билан ишлашни янада яхшилаш КПСС XXV съезди белгилаган социал-иқтисодий программани муваффақиятли бажаришга кўмаклашади, ўнинчи беш йиллик марралари сари ишонч билан олга бориш имконини беради.

(«Правда»нинг 21 февралдаги бош мақоласи).



Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда эртаги карам экиш бошланди. Суратларда: (чапдан) колхознинг теплица хўжалигида ишлаётган миришкор деҳқонлардан Ҳаким Раҳимов, Аҳмад Мирзаев ва хўжалигининг плёнка остига карам экилган далалари ҳамда карам кўчати экишда намуна кўрсатаётганлардан Д. Қўчқорова ва М. Сулаймоновалар.

А. Абалян фотолари.

ҒАЛАБАМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Ўзбекистон КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Серқуёш ўлкамиз меҳнаткашлари ана шу шарафга ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширганликлари учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажаргандиклари учун сазовор бўлдилар. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси голибларининг зарбдор меҳнатини тақдирлаган кўчма Қизил байроқлар билан бир қанча областлар, шаҳарлар ва районлар, кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари мукофотланди.

Илғор коллективлар орасида «Ташкенткабель» заводи ҳам бор. Корхона партия комитетининг аъзоси, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан кавалери, телефон кабеллари цехининг ишчиси Н. П. Стрельцов кабелчиларнинг ёшлар отряди ва ҳис-туйғуларини ифодалаб бундай деди:

— Ўзбекистон пойтахти Бутуниттифоқ меҳнат мусобақасида ғолиб чиқди. Кабелчилар коллективи — Тошкент пролетариатининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини муносиб равишда давом эттираётган кўп минг кишилик армиясининг бир қисмидир. Бинобарин биз Улуғ Октябрнинг юбилейи йилида меҳнатимизга ана шундай юксак баҳо берилганлигидан барча тошкентликлар билан бирга фахрланамиз. Социалистик мамлакатда меҳнат аҳллари, Ватанимиз қудратини кўпайтираётган, совет кишиларининг фаровонлигини янада юксалтиришда актив қатнашаётган кишилар ғоят зўр ҳурмат ва шуҳратга сазовор бўлаётганликларидан фахрланамиз.

«Ташкенткабель» заводининг коллективи шу кунларда партиянинг «Яхшироқ ишлайлик, самарадорлик ва сифатни оширайлик» шиори остида ишламоқда. Бизнинг социалистик мажбуриятимизда қуйидаги сўзлар ёзилган: завод юбилей йилида кунларнинг сонини кўпайтирмай, плондан ташқари 2,5 миллион сўмлик кабель тайёрлаб беради. Сифат белгиси кўйилган маҳсулот улуши 42 процентга етказилади. Биз юксак мукофотга Қизил байроқ остида янги марраларни эгаллаш билан жавоб берамиз.

* * *

Куйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» мевачилик-узумчилик совхоз-заводининг коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабарни беш йилликнинг биринчи йилида ўзларининг қилган меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун астойдил миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдилар.

— Мукофот бизни янгиданянги меҳнат ғаф рларига илҳомлантиради, — деди бу ерда бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан бригада бошлиғи Байрам Исмоилов. — Биз бунга жавобан беш йиллик планни муддатидан илгари бажарамиз. Мен раҳбарлик қилаётган бригада коллективи бу йил 40 гектар токзорнинг ҳар гектаридан 300 центнер, яъни топшириқдагидан анча кўп узум олишга аҳд қилди.

Областда боғлардан ва токзорлардан энг юқори ҳосил олишга эришган совхоз коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ҳар гектар токзордан ўрта ҳисобда 220 центнер узум, ҳар гектар боғдан 152 центнер мева олиш, планга қўшимча равишда 100 минг сўм фойда кўриш мажбуриятини олди.

Илғор хўжаликнинг боғбонлари ва соҳибкорлари фан эришган муваффақиятларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этмоқдалар, боғларни яхши парвариш қилмоқдалар, пастак мевали дарахт майдонларини кенгайтирмоқдалар. Митингда кўкламги дала ишларини қисқа муддат ичида сифатли ўтказишга қарор қилинди.

* * *

Мамлакат рангли металлургияси энг йирик комплексларидан бири бўлган В. И. Ленин номидаги Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитетининг секретари Т. Исмоилов бундай деди:

— Комбинат коммунистларининг катта отряди, кончилари, сараловчилари, металлургчилари, транспортчиларининг кўп минг кишилик ҳамма коллективи беш йиллик биринчи йили вазифаларини ҳал қилишга ҳисса қўшганлигимизга юксак баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик изҳор этадилар. Тармоқдаги барча коллективларнинг мусобақасида қўлга киритилган ана шу ғалаба билан корхонанинг ҳар бир меҳнатчиси ҳақли равишда фахрланади. Комбинат заводлари ва фабрикаларида, конлари ва бошқармаларида, цехлари ва бригадаларида одамлар эгаллаган марраларни қўлдан бой бермасликка, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлида олга қараб янги қадам қўйишга қатъий бел боғлашган.

Олмалиқ кончилари ва металлурглари беш йиллик нинг иккинчи йилини зарбдор меҳнат билан бошладилар. Руда қазиб олиш, концентратлар ишлаб чиқариш, мис, рух ва бошқа металлар эритиш бир меъёрда олиб борилмоқда. Корхона меҳнатчиларининг социалистик мусобақасида Октябрь революциясининг 60 йиллиги йилида кўпгина план кўрсаткичларининг оширилиши кўзда тутилган. Ҳозир комбинатда корхонани реконструкция қилиш авж олдирилди, бу иш бутун беш йиллик мобайнида давом эттирилади. Кончилар ва металлургларнинг коллективлари янги қувватларни зарбдорларча ўзлаштириш, техникадан олинадиган самарани ошириш, социалистик Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш ниятидадир.

Суратда: «Ташсельмаш» заводининг социалистик мусобақа голибларидан бир гурухи (чапдан ўнгга): — мастер А. Расулев, мастер А. Тарасенко, йиғувчи слесарь А. Қаҳҳоров, бригадир В. Глухов ва йиғувчи слесарь Ҳ. Нуруллаев ўртоқлар.

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ).

ҚАҲРАМОННИНГ БРОНЗА БЮСТИ ЎРНАТИЛДИ

ЛЕНИНГРАД, 21 февраль. (ТАСС мухбири). Бу ерда икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин юртида бугун тантанали вазиятда қаҳрамоннинг бронза бюсти очилди. Бюст СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ ўрнатилди.

Ана шу воқеага бағишланган митингда КПСС Ленинград область комитети бюросининг аъзолари, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг секретарлари ҳозир бўлдилар. Митингда Ленинград совети ижроия комитетининг раиси Л. Н. Зайков, С. М. Киров номли «Электросила» бирлашмасининг токари Ю. К. Сидоров, Ленинграддаги тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори Л. Я. Терешченко, «Октябрская» фабрикаси мастерининг ёрдамчиси Н. С. Кожуркин, 90-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси А. Федорова сўзга чиқдилар.

КЎКЛАМГА ТАЙЁР

Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона каналини ремонт қилиш ва тозалаш ишлари тугалланди. Фарғона водийси ерларининг асосий оби-ҳаёт манбаи далаларни суғоришга тайёр. Қиш фаслида унинг ўзанидан 600 минг куб метр балчиқ олиб ташланди, топшириқ 1,5 баравар ошириб бажарилди. Канал тозалаш ишларида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги уч трестининг ўнлаб кучли экскаваторлари ишлатилди.

Мелиораторлар Шимолий Фарғона, Катта Андижон каналларни ва республикадаги бошқа магистрал каналларни тозалаш ва ремонт қилиш ишларини ҳам тугаллامоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик самарали иши ва республика ўрмон хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўрмон ходими» фахрий унвони берди:

Данилин Александр Леонтьевич — Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти қумликлар ўрмон мелиорацияси бўлимининг мудири;

Естемесов Қўшмаганбет — Самарқанд область, Каттақўрғон ўрмон хўжалигининг бош ўрмончиси;

Маракулин Георгий Яковлевич — Жиззах область, Зомин тоғ-ўрмон қўриқхонасининг директори;

Тилавов Ўгнар Хадирович — Жиззах область, Бахмал ўрмон хўжалигининг директори.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик самарали иши ва республика ўрмон хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги давлат комитети системасининг бир группа ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил, самарали ишлаганлиги, республикада пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси Садриддин Хўжаевич Йўлдошевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Қашқадарёликлар ташаббусига жавобан

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йиллликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантиришда маълум муваффақиятларга эришдилар. КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик ходимларига, Ватанимизнинг барча меҳнаткашларига Мактубини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисидаги, шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорларини чуқур мамнуният билан қабул қилдилар.

Область чўпонлари кўплаб қўзи олиш ва уларни тўлиқ ўстиришга қолдириш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Область бўйича ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 110 тадан қўзиулоқ олинади, қўй-эчкилар сони 370 минг бошга етказилади ёки 1976 йилдагига нисбатан 32 минг бош кўпайтирилади.

Область чорвадорлари қашқадарёликлар даъватига жавобан юбилей йилида ғўшт етиштиришни 16 процент, сут етиштиришни 10 процент, тухум етиштиришни 24 процент, жун етиштиришни 18 процент кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Ғўшт етиштириш ресурсларини кўпайтириш мақсадида чорва молларни ўстиришга ва уларни бўрдоқига боқишга катта аҳамият берилади. 19 минг бош қорамолнинг ўртача тирик вазнини 400 килограммга етказиб ғўштга топширамиз. Беш минг бош чўчқанинг ўртача тирик вазни 110 килограммдан, 12 минг бош қўй-эчкининг ўртача тирик вазни 45 килограммданга етказиб давлатга топширилади.

Бу йил колхоз ва давлат хўжаликларида сигирлар сони 29,2 минг бошга етказилади. Уларнинг ҳар биридан 2200 килограммдан сут соғиб олинади. Бу — ўтган йилдагидан 11 процент кўпдир. Давлатга топширилиадиган сутнинг 93 процентини биринчи сортларга қабул қилиниши таъмин этилади.

Чўчқачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик ва ҳавза балиқчилигини, шунингдек, аҳолининг хусусий хўжаликларидаги чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари белгилаб чиқилди ва улар амалга оширилмоқда.

Аралаш, оралиқ экинлар экиш ва такрорий экишни кенг қўлланиб, бу йил ҳар гектар ердан 120 центнердан беда пичани, 450 центнердан маккажўхори кўкпояси олиш белгиланди, 300 минг тонна дағал хашак жамғарилади, 375 минг тонна витаминли ўт уни тайёрланади.

Ўнинчи беш йиллликнинг иккинчи йили муваффақиятли бошланди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришимиз шубҳасиздир.

Социалистик мажбуриятлар область қишлоқ хўжалиги илғорларининг йиғилишида қабул қилинган.



ЙИЛЛАР ОША САЁҲАТ

ЮЛДУЗЧА

Доно табиат мусаффо тафассум, самимий меҳмондўстликни чой ва ҳатто январь кунларида тароват ҳидини таратиб турган қовунни бир ерга жамлади. Одамлар бу жойни майин эркаланган сўз — Тошкент номи билан аташган.

Яна. Тошкентда сизга «Ленинград», «Москва», «Украина», «Белоруссия», «Болтиқ бўйи» деб ажойиб ном берилган ўнлаб, юзлаб замонавий уй-жойларни кўрсатишади... 1966 йилдаги зилзиладан кейин бутун мамлакат вакиллари — қурилиш отрядлари шарафига ҳурмат-эҳтиром билан маҳаллаларни шундай деб аташди.

Тошкент проспектларида ошиқиш, шошилиш мумкин эмас. Бу ерга келганлар худди жаҳон нафосати муэзейи заллари бўйлаб юргандай юришади.

Бу йилги қиш Тошкентга иўққисдан янгилик туҳфа этди — илгари кўрилмаган совуқ ўн беш даражагача етди. Чамамда, тошкентликлар андак довдираб қолишди. Бироқ бу узоққа чўзилмади. Кейин бўлса иссиқ кийиниб олиб, одат бўйича Урал ва Волга томонга умид билан қараб-қараб қўйишди...

Балки мана олтмиш йилдан буён Москва томондан ўзбекларга мадад келиши, ўзбекларнинг ўзлари бўлса дўстларга ҳар қандай оғир имтиҳон йилларида ёрдамга келганлари ва ҳамиша ёрдамга шайликлари туфайли шундайдир. Тўғри, об-ҳавони буюртма билан яхшилаб бўлмайди ва ҳозирча Тошкентни ҳеч ким совуқдан қутқаролмайди. Аммо эндиликда диёримиз қардошларча қудратига, халқларнинг нурли иттифоқига, бир-бирига бегараз ёрдамига ишонч жуда қаттиқ.

Бу ҳақда биз авлод-аждоди ишчи ўтган, ўзи ҳозир Тошкентдаги 63-ҳунар-техника билим юртининг директори Рихситулла Ҳусанов билан гаплашиб ўтирибмиз. У ҳали совумаган пиёлани қўйиб, ўйга толди:

— Биласизми, бувам Файзи Усмонов революциягача ҳали болалигида Тошкент темир йўл устаханаларида слесарлик қилган экан. Бувамнинг Трофим Иванович Петров деган моҳир уста дўсти бўлган экан. Ўзи Питер пролетарининг ўғли экан. Эс-ҳуши жойида йигит денг. Аррани тўғри ушлаш, темирни кесишга дўсти Файзини ўргатибди. Саводга ҳам ўргатибди.

Хўжайиннинг ювиндиҳўраларидан бири болани ҳафа қилса кўзлари жиққа ёшга тўларди. Ахир у ҳали гўдак эди-да. Трофим бўлса унинг ёнини олиб, овутарди. Ҳозир тушунишимча, Трофим большевик бўлмаган. Шунчаки рус ишчи йигити бўлган. Тушлиқда темир йўл чекасидаги ўт босган дўнгликда ўтириб олиб, халтада олиб келган овқатни очиб, тамадди қилишарди. Фақат бир нарса ҳақида, ишчиларга хос бўлган ишлар ҳақида сўзлашарди. Жарималар тўғрисида, хафагарчиликлар ҳақида, инсон иззат-ҳурмати ҳақида гаплашишарди. Трофим ҳамма яхши нарсаларга ишонар ва бу ҳақда ишонч билан сўзларди. Бувамнинг кейин эслашича, Трофим ҳар гал сўзлаганида узоқ-узоқларда бирлашиб, ёрқин шуҳлали нуқта ҳосил қилган темир йўл изига бот-бот қараб қўяркан. Бу нуқта эса шимолий-ғарб томонда эди. Бувамга бу нуқта одамни ёмонликлардан халос қилувчи сеҳрли юлдузча бўлиб туюларкан. Темир йўл бўйлаб йўл юриб, йўл юрсанг ҳам мўл юриб, мана шу ёрқин юлдузчага етишиб олишинг мумкин, деб ўйларкан бувам.

Бир куни обермастердан ҳафа бўлган Файзи темирйўл бўйлаб шимол томон бош олиб кетибди. Қанча юрмасин, юлдузча ундан тобора узоқлашаверибди. Депога қайтиб келиб, бўлган гапни Трофимга сўзлаб берибди. Трофим олдинига кулибди, кейин жиддийлашиб бундай дебди: «Бу юлдузча барибир бизга етиб келади, Файзи. Ўша томондан келади. Фақат унга йўл тайёрлаб қўйиш керак». «Қандай қилиб?» «Кел, биргалашиб ўйлаб кўрамиз»

...Суҳбатдошим метиндек бармоқлари билан нозик пиёлани қўлига олиб, узоқ сукутга кетди.

— Рихситулла, бу аллақайси шарк афсонасига ўхшаб кетади-ку. Юлдузча ҳақидаги гапни айтяпман. Нима дейсан?

— Бизнинг оилавий афсонамиз бу, — дея гапга аниқлик киритди суҳбатдошим. — Истаган ўйга кирингa, ҳаммасида ўзининг фахри, нима десам экан... ўзининг афсонаси бўлади. Умуман айтганда, оила таржимаи ҳолининг ибтидоси бўлади. Шундайми?

Рихситулла мамнун бўлиб, жонланиб кетди: Бировларда бу нарса суратлардан, балки эски ов милтиғи ёки қўшиқда айтилгандек «отасининг эски будёновкаси»дан бошланади... ҳар кимда ҳар хил. Бизнинг хонадонимизда бўлса — юлдузча.

Қолган чойни икки пиёлага қуйди. Оз-оздан қўйди. Ҳазил билан буни тушунтириб берди:

— Агар лиммо-лим тўлдириб қуйсам, меҳмон кўнглига олади. Иззатим битди дея ҳайр-хўшлашиб, кетишга чоғланади.

Хайр-маъзур қилиб, кетгим келмаяпти. Биз ёзувчи Дмитрий Фурмановни хотирладик. Унинг «Исён» асарининг дастлабки дафтарлари худди шу ерда, Тошкентда туғилган эди. Фурманов бу асарнинг деярли ҳамма жойида Туркистонда ишчилар синфи деярли бўлмаганини, «ишчилар қатлами ниҳоятда оз, бунинг устига етарли онгли эмас»лигини қалбида изтироб билан эслаган. Тошкент темир йўл устаханалари — бепоён жазирама саҳро денгизидаги станокли, боғланган қайиш ўтказилган ва сандон бўлган кичкинагина оролчадан бири эди. Бу ўлкада кетмон ягона асбоб бўлиб, уни ҳам Чор Россиясининг буюртмаси билан Бельгиядан олиб келинарди.

Ишчи одамга бамисоли мўъжизага қарагандек қарашарди. Унинг машина мойига беланган қўлларига ҳайрон бўлишарди, кун бўйи шовқин чиқариб турган дастгоҳлар олдида, ўт сачраб турадиган, сандон ёнида туриб, болгининг ҳар зарбидан илондек тўлғанган оловга дош беришларини қўрқа-писа кўз олдиларига келтиришарди.

«Ишчилар қатлами ниҳоятда қашшоқ» бўлишига қарамай, В. И. Ленин ва партия уларга умид боғладилар. 1919 йил 30 августда Ильич Тошкент Совети ва Туркистон темир йўлчиларига қўйидаги Директивани йўллади: «Яқинда Совет Туркистонининг ҳам Совет Россиясига қўшилиши муносабати билан темир йўлнинг барча паровоз ва вагонларини ремонт қилишга бутун кучни дарҳол сафарбар қилиш зарур. Шу сабабдан Мудофаа кенгаши ҳамма депо ва мастерскойларидаги барча кучларни сафарбар қилишни таклиф қилади. Туркистон ва Россиянинг иқтисодий ҳаётини яхшилаш учун революциянинг ва Қизил Армиянинг ғалабаларидан фойдаланиш керак.

Қизил Туркистонга салом!

Мудофаа Кенгашининг раиси Ленин».

Москвадан келган бу телеграммани Тошкент депоси ишчиларининг умумий йиғилишида ўқиб беришди.

Файзи уни тингларкан, ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. Нима бўляпти ўзи? Шу пайтгача унга, ўзбек слесарига муштуми залворли жаҳлдор мастерни ҳисобга олманганда бошлиқлардан ҳеч ким мурожаат қилмаган. Бирданига Москвадан Тошкент депосининг барча ишчиларига телеграмма келса-я. Яна кимдан денг, Ленининг ўзидан!

Аввало, Ильичга жавоб ёзишди. Кейин яна депода йиғилиш бўлди, ишчилардан бири телеграмма текстини ўқиб берди. Унинг ҳар бир сўзи Файзи дилидаги сўзлар эди. Ҳатто, Москвадаги бу ажойиб кишига салом айтишни унутишмади. Мана, ўша жавоб: «Колчак бандалари бузиб ташлаган кўприклар ва темир йўл изларини тиклаймиз, Қизил Туркистонни Марказий Совет Россияси билан бирлаштирамиз, жаҳон пролетариатининг доҳийси ўртоқ Ленинга салом йўллаймиз».

Ўзбек слесари Файзи билан унинг дўсти, ёш рус мастеровойи Трофим ана ўшандан буён елкама-елка туриб бор кучларини сарфлаб меҳнат қилишди. Орадан кўп ўтмай, Россиядан Тошкентга хориган, чанг босган поездлар станцияга етиб келди. Уларни оркестрлар ва гуллар билан кутиб олишди. Юк вагонларидан тушиниб бўлмайдиган қалпоқ кийиб олган одамлар ёпирилиб, ҳандон ташлаб кулиб тушишди. Шунда Файзи дўстига қараб бундай деди:

— Қарагин-а, Трофим!

Қизил аскар будённовкаларида қирмизи юлдузлар ярқираб турарди.

...Рихситулла яна пиёлаларга оз-оздан чой қўйди-да отаси Ҳусан Файзиевдан гап очди. У ҳам ишчи эди. Тошкент трамвай паркида слесарь бўлиб ишларди. Уни олдинига буваси ўргатди, кейин рус устаси Иван Михайлович Фадеев устоз бўлди. Отаси илк бор Фадеевга учрашганида уни дастгоҳга олиб борди-да, сўради: «Қўлингдан нима иш келади?». Рихситулланинг отаси индамай ердан юпқа темир олди-да, паргар билан доира ясади, уни тенгма-тенг бешта бурчакка бўлди, асбоб билан юлдуз ясади, кейин, қирраларини эгов билан текислади, ёғлади, шкурка билан тозалади. Слесарлик цехида ҳамманинг кўз олдида яхшигина юлдузча порлаб кетди.

Шундай қилиб, трамвай паркида яна бир слесар пайдо бўлди. Уста Фадеев унга бутун қалби билан боғланиб қолди.

— Трамвай арава эмас, эшаксиз ҳам юраверади, — дея ҳазиллашди Иван Михайлович, —нега унинг ғилдираклари айланишини тушунтириб берай, кел.

Трамвай вагонини ишдан кейин депода ҳам, чизмалар бўйича Ҳусан Файзиевнинг ўйида ҳам ўрганишди. Ҳатто, Рихситулланинг буваси қизиқиб қолди: қара-я, бугсиз ҳам вагон юраркан-а, буғ паровозни ҳаракатга келтиришини биларди, ҳатто уни кўриш ҳам мумкин эди. Трамвай бўлса, ток билан юраркан. Токнинг ўзи нимайкин.

Ахир, электрни кўз билан илғаёлмайсан киши, қудрати эса катта: вагонни, ҳатто прицепли вагонни тепаликка олиб чиқади-я. Ҳеч қандай кўмирнинг, ёқилғининг, цилиндрларнинг кераги йўқ. Ёш Рихситулла қариндош-уруғларини билимдонликда лол қолдириб, шу ерда ўралашиб юрарди: мактабда электрни ўрганди-да.

Фадеев кулди: «Мана Рихситулла ҳам ишчи синфи бўладиган бўлди. Бутун бир ўзбек сулоласи!»

Шундай бўлди ҳам. Урушдан олдин Рихситулла фабрика-завод шогирдлиги мактабига слесарликни ўрганганини ўқишга кирди. Уруш йиллари заводда ишлади, моҳир рус слесарларидан бехато ишловчи, ишончли ҳарбий-техника ясашни ўрганди.

Одамлар унга синчиклаб қарашса, бу ўзбек йигити ўзи яхшигина ишлаб қолмай, бошқаларни ҳам ўргатиши мумкин эканлигига тушунишди. Фабрика-завод шогирдлиги мактабида мастер бўлишига ишонишди, кейин катта мастер бўлди, мана энди Рихситулла Ҳусанов узоқ йиллардан буён Ўзбекистондаги энг яхши ҳунар-техника билим юртларидан бири бўлган 63-билим юртининг директори бўлиб ишламоқда.

Бу ерда қурувчилар тайёрланади. Рихситулла биринчи дарсни болаларни автобусга солиб шаҳарнинг кўчалари, проспектлари бўйлаб олиб юришдан бошлайди. Бўлажак бинокорларга мурожаат қилиб, мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан келган вакиллар Тошкентга олиб келган барча яхши нарсаларни ўзлаштириш, ўзининг миллий иждодиёти билан уларни кўпайтириш ҳақида гапиради.

...Кейин биз энг асосий нарса ҳақида суҳбатлашамиз. Айни пайтда бу масала ёқимлидир. Бугунги Тошкент ёшлари ишчилар синфига бажонидил қўшилмоқда. Мана биргина мисол. 63-ҳунар-техника билим юртида ҳаммаси бўлиб олти юз ўрин бор. Рихситулла бўлса 1800 кишини қабул қилади. Бу — билим юртининг устахона ва синфлари қабул қилиши мумкин бўлганидан уч баравар кўпдир. Ишчи бўламан деб қатъий аҳд қилган йигитчага директор рад жавоби беролмайди. Бунга қўли ҳам бормайди. Ҳамма хоҳловчиларни қабул қилиб оладн-да, кейин баъзиларини бошқа билим юртларига юборади. Тўғри, бу билим юртлари 63-ҳунар-техника билим юртига ўхшаш жудаям замонавий эмас. Аммо начора? Улкан қурувчилар шаҳри бўлган Тошкентда ҳали ҳунар-техника билим юртлари бинолари қурилишига тегишинча эътибор берилмаётир. Очиқ-равшан кўриниб турган қандайдир парадокс. Республикага кўплаб бинокорлар керак, аммо бинокорларнинг ўзлари ҳақида, уларни тайёрлаш ҳақида ҳамиша ҳам ўйлаётганлари йўқ. Баъзаҳ ҳунар-техника билим юртларида тегишли ишлаб чиқариш базаси йўқ, зарур эстетика кабинетлар йўқ. Ҳолбуки, мана шу кабинетларда болаларни маҳоратга ўргатиш, уларга нафосат туйғусини сингдириш лозим. Кекса ишчиннг ҳар бир калимасида ёш авлод ҳақидаги ғамхўрлик сезилиб туради.

...Яқинда Рихситулла Ленинградда бўлиб, малакани ошириш курсида ўқиди. Билим юртларининг директорларини Киров заводига олиб боришди. Томоша қилгани олиб боришди. Мана шу ерда, улкан токарлик цехида кимнингдир «Рихситулла Ҳусанович!» деган жаранглар овози эшитилиб қолди. Айнан ўзини чақирганини дарҳол тушунди. Ленинградда бу ном камдан кам учрайди. Қараса, хушбичим комбинезонли ёшгина жувон қуванч билан унга пешвоз югуриб келмоқда.

— Люба, Люба Кондакова! — Тошкентдаги 14-фабрика-завод шогирдлиги мактабининг энг яхши ўқувчисини таниди, Рихситулла Люба ҳижолатда қолган Рихситулладан айланиб-ўргулар, дам у юзидан, дам бу юзидан чўлп-чўлп ўпар, нималарнидир сўзларди. Экскурсиячилар кулимсираб бир-бирларига қараб қазиллашишарди: экскурсия программасига буниси киритилмаганди-ку.

Кечқурун Рихситулла икки ўртоғи билан Любаларникига меҳмонга борди. Люба уларни умрдоши ишчи Сергей Васильевич билан таништириб қўйди. Кейин ўзбекча таомилга кўра чой ичишди.

В. ЧАЧИН,
(«ПРАВДА»нинг махсус мухбири).

Тошкент шаҳри.

(«ПРАВДА», 1977 йил 20 февраль).

Суратларда: пастда — эски Тошкентнинг кўчаси; юқорида — бугунги Тошкент.

ТАСС фотолари.



«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ОЛДИДАН

Ўзбекистон меҳнаткашлари Москва корхоналари коллективларининг ватанпарварлик ташаббусини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Республикадаги заводларда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда ўтказилаётган митинг ва йиғилишларда В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллигига ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган коммунистик шанбаликда қатнашиш тўғрисида яқдиллик билан қарорлар қабул қилинмоқда.

◆ НУКУС. Нукус ғалла маҳсулотлари комбинатининг меҳнатчилари «Қизил шанбалик»ни ғоят унумли ишлаш билан нишонлашга қарор қилдилар. 16 апрель куни 60 тонна ун ва 100 тонна омихта ем ишлаб чиқарилади. Бу эса, одатдагидан анча кўпдир. Шу кунги бутун маҳсулот фақат аъло сифатли бўлади.

Ишчилардан Д. Умаров, Б. Бердишев, механик К. Онайбоев митингда сўзга чиқиб, йил бошида бошланган зарбдор суръат ошиб боришини таъкидлаб ўтдилар. Комбинатда «Яхшироқ ишлайлик, самарадорлик ва сифатни оширайлик!» деган шиор остида кенг авж олдириб юборилган меҳнат мусобақаси бунинг гаровидир.

◆ УРҒАНЧ. Хоразм областидаги энг ёш корхона —Урганч пиллакашлик фабрикасининг коллективи москвликларнинг ватанпарварлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлади. 16 апрель кунини энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлашга қарор қилинди. Бу соҳада коллективда кўп станокчилар ҳаракати ёрдам беради. Уларнинг тажрибаси тобора кенг жорий этилмоқда.

— Бу йилги коммунистик шанбалик,—деди пилла ўровчи Дилсора Билябоева, — алоҳида шанбаликдир. У Улуғ Октябрнинг 60 йиллигида ўтказилади. Бу эса бизни янгиданянги зафарларга руҳлантирмоқда. Мен 16 апрель куни бир ярим смена нормасини бажариш ва шу тарика тўрт ойлик топшириқни адо этганлигим ҳақида рапорт бериш мажбуриятини оламан. Шу куни ишлаб чиқарилган бутун хом ипак биринчи сортли бўлади.

◆ АНДИЖОН. «Қизил шанбалик» кунида икки тепловоз ремонтдан чиқарилади, барча локомотив бригадалари тежалган ёқилғи ҳисобига биттадан составни манзилга етказадилар. Андижон темирйўл депосининг ходимлари бўлиб ўтган митингда ана шундай қарор қабул қилдилар.

Машинистлардан Б. Нўъмонов, В. Раззоқов, слесарлардан Я. Йўлдошев, М. Тешабоев, токарь М. Мирзараҳимов, депонинг кўпгина бошқа илғор ходимлари коммунистик шанбаликни меҳнатда энг юқори унумдорликка эришиш билан нишонлашга аҳд қилганликларини айтдилар. Депонинг барча 720 меҳнатчиси шанбаликка чиқади. Уларнинг кўпчилиги ўз иш жойларида вахтада бўладилар.

БУХОРО. ВЛКСМ 20 йиллиги номли Бухоро ремонт-механика заводининг бригадири Ф. Гилмутдинов сўзга чиқиб, бундай деди. «Биз Москвадаги илғор корхоналар ишчиларининг даъватини астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Мен «Қизил шанбалик» кунида кўпгина бошқа ўртоқларим сингари икки смена топшириғини бажараман».

Корхона коллективи 16 апрель куни Сибирь, Қозоғистон, Сахалин ва Ўзбекистон ер ости бойликларининг разведкачиларига 10 минг сўмликдан кўпрок маҳсулот жўнатишга аҳд қилди. Кўпгина бурғилаш ускуналари текин ремонтдан чиқарилади, тежалган материаллар ва электр энергия ҳисобига 4 минг сўмлик запас қисмлар, бурғилаш инструменти, чўян қўйилма тайёрлаш мўлжаллаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Қизилтепа районидаги «Зарафшон» бўрдоқичилик совхози чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг Мактубини ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар.

Хўжалик бўрдоқибоқарлари давлатга 40 тонна ўрнига 68 тонна семиз гўшт топшириб, йиллик халқ хўжалик планини 170 процент қилиб бажардилар. Гўштга топширилган 168 бош қорамолнинг ҳар бири 405 килограммдан тош босди. Ҳар бир қорамол ҳисобига 560 сўмдан соф фойда олишга эришилди.

Бу муваффақиятга Тилла Норов, Жалол Шодиев, Низом Нуриллаев, Сайфулла Давронов каби бўрдоқибоқарлар катта ҳисса қўшдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейи кунигача давлатга яна 50 тонна семиз гўшт топшириш қарор қилинди.

И. САЛИМОВ.

ЁДГОРЛИКЛАР—ХАЛҚ БОЙЛИГИ

САМАРҚАНД, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ердаги опера ва балет театрида область партия ташкилоти активининг архитектура, тарихий-бадиий ёдгорликларни сақлаш, улардан фойдаланиш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, пропаганда бўлими мудирлари, шаҳар, район ижроия комитетларининг раис ўринбосарлари ҳамда бўлим мудирлари, ёдгорлик муассасалари раҳбарлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Актив йиғилишида Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди. Докладчи ва музокарада қатнашган ўртоқлар қадимий Самарқандннг ёдгорликлари ҳақида, уларни яхшилаш ва сақлашда ҳамда пропаганда қилишдаги вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Актив йиғилиши ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, пропаганда қилиш юзасидан резолюция қабул қилди ва тадбирлар белгилади.

Идеология ходимлари активининг йиғилишида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Содиқов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлими мудири А. Тўраев, республика маданият министри Ғ. Нажимов ва бошқалар иштирок этдилар.

Л. ЭРГАШЕВ.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Гулистон пахта тозалаш заводи Сирдарё областида биринчи бўлиб уруғлиқни кўкламга тайёрлаб бўлди. Корхона бир ярим минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли уруғлик чигит тайёрлаб берди, шундан 1200 тоннаси туксиз чигитдир.

Завод колхоз ва совхозларга уруғлик чигит жўната бошлади. Бу йил Мирзачўл хўжаликлари перспектив «Қизил работ» нав чигитни биринчи марта оладилар. 320 тонна ана шу нав уруғлиги тайёрланди.

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

Қишлоқ қурилиши масалалари

Фарғонада Миндон деган машҳур қишлоқ бор. Аммо яқинда бу ном ёнига «Миндонобод» деган сўз қўшилди. Булар бир-бирига туташ ёки қўшалоқ эмас, уларнинг орасини бир неча километрли масофа ажратиб туради. Лекин ҳар иккаласида ҳам бир колхоз аъзолари истиқомат қилади.

Миндонобод деганимиз ғоят гўзал. шинам, типовой уйлар турнақатор бўлиб тизилган посёлка бўлиб, кўрган одамнинг кўзини қувонтиради. Посёлка — Фарғона шаҳри билан Водил ўртасидаги даштликда қад кўтарди. Янги шаҳарча тез ва соз қурилди. Етти-саккиз ойнинг нарёғида бинолларга пойдевор ётқизила бошланган эди. Ўтган йил биринчи октябрь куни эса, бу янги хоналар кўплаб хонадонларни ўз бағрига олди. Уй тўйлари бошланди.

Шаҳар бирдан қурилмайди, деган нақл бор. Бу, ўз даврининг ибораси эди. Биз бирдан барпо бўлган шаҳарча хонадонларини кўздан кечириб юрибмиз.

Қўштавақа эшикдан бир ҳовлига кирамиз. Ўнг томонда сўнаванд равонли шинам уй. Кенггина айвондан ўтиб каттакон залга киралади. Хонанинг чап томони коридор. Бу ердан меҳмонхона, ошхона, болалар хонасига кириш мумкин. Фойдаланиладиган майдон роппа-роса 84 квадрат-метр. Ваннахона, ошхона, кийим-бош шкафлари хоначаларини айтмайсизми?

Бу уйга бригада бошлиғи Абдулаазиз Аҳмадалиев кўчиб кирган экан. Хонадон соҳиблари қувончининг чеки йўқ.

— Умримиз ғувала уйларда ўтиб кетишига сал қолган экан, — дейди у хурсанд бўлиб, — буни қаранг пишиқ ғиштдан, жаранглайди-ку! Ростини айтсам, паркет пол деган нарсани шу уйга кўчиб келиб кўриб турибман. Э, меҳмонлар, анави колхозчибоп нарсаларниям бир кўриб қўйинглар...

Мезбон бизни махсус асфальт йўлка билан ҳовли этагига бошлади. Биз ҳовли охирини эгаллаган катта-катта хоналарни кўрдик. Булардан бири ипак қурти боқиладиган хона. иккинчиси, омборхона ва оғилхона экан. Ҳаммаси тахта полли, каттакатта деразалардан офтоб нури мўл-кўл тушиб турибди. Ҳовли саҳнида тандирхона ва ўчоқ. Водопроводда сув жилдираб турибди.

Кооперативга аъзо бўлиб жуда тўғри қилган эканман, — дейди уй соҳиби, — қўлимни совуқ сувга урмай, кошонадек уйда ўтирибман. Азаматлар табиий газни ҳам улаб юборишди!

Биз ўша куни бошқа янги уйларга кўчиб кирган кўпгина хонадон эгаларидан ҳам ана шундай хушнуд гапларни эшитдик.

Бепоён ва ҳувиллаган даштликда янги замонавий посёлка бунёд этиш ҳақидаги фикр ўтган йили ноябрь ойларида туғилган эди. Колхозчиларнинг умумий йиғилишида хутор системасини йўқотиш, кооператив асосида уй-жой қуриш масаласи муҳокама қилинди. Миндон қишлоқ Советидаги шу Димитров номли колхоз аъзоларидан ўн беш киши ўша кунлариёқ кооперативга аъзо бўлиб кирдилар. Янги жойда барпо бўлажак посёлканинг бош плани кўпчиликни қизиқтириб қўйган эди. Қурилиш ишлари қизиб кетди. Тез орада пайчилар сони саксон кишига яқинлашиб қолди...

Шундай қилиб ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган беш хонали, зангори оловидан тортиб, канализациясигача мавжуд бўлган, машина гаражи-ю, ўн уч сотихли томорқали уйларга октябрнинг бошларида ўн бир хонадон кўчиб кирди. Ноябрнинг охирларига бориб эса, яна ўн бир оилага ана шундай янги уйларнинг калитлари топширилди.

Фарғона район партия комитети ва район ижроия комитети партия, ҳукуматимизнинг хутор системасини тугатиш ҳақидаги ғоят муҳим қарорини бажариш борасида талайгина тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозир район хўжаликларининг деярли ҳаммаси қишлоқ қурилиши бўйича бош планга эгадир. Қатор колхозлар ўз посёлкаларини бош план асосида режали, марказлаштириб қуришга астойдил киришмоқдалар. Уларда мактаблар ва болалар муассасалари, маиший хизмат уйлари, савдо точкалари каби муассасалар биринчи галда қад кўтармоқда. Миндон қишлоқ Советидаги Димитров номли колхоз правлениеси ҳам колхоз қишлоғини қайта қуриш режаларини тузаркан, аҳолининг тез ўсаётганини ҳисобга олиб, ўз участкаси бўлмиш даштликда янги колхоз посёлкаси барпо этиш масаласини ўртага ташлади. Аҳоли ўртасида кооператив тарзида уй-жой қуриш, унинг қулайликлари, моҳияти кенг тушунтирилди. Шундай қилиб, шарт-шароити, қулайлик ва афзалликлари юқорида баён этилган кооператив уйлар колхозчилар учун айни муддао бўлди.

Колхоз кооператив уй-жой қурилиш бўлимининг бошлиғи ўртоқ С. Меҳмонов фақат кооператив уйлардангина иборат бўладиган «Миндонобод» посёлкаси истиқболи ҳақида сўзлар экан, ғоят характерли фактларни айтиб берди. Чунончи, шаҳарчада яқин йиллар ичида 414 та ана шундай типовой уйлар қурилиб, колхозчиларга тортиқ қилинади. Шу билан бир қаторда меҳнаткашлар фарзандлари учун иккита 210 ўринли боғча-ясли, 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб, маиший хизмат комбинати, магазинлар қуриб фойдаланишга топширилади. Экономикаси йил сайин мустаҳкамланиб, даромади ортиб бораётган хўжалик «Миндонобод» посёлкасини барпо этиш билан ўз тараққиётининг янги йўлларини ҳам белгилаб олмоқда. Бошқачароқ қилиб айтиладиган бўлса, колхоз пайчилари талаб ва истаги билан асос солинаётган шаҳарча жойлашган ерлар Саткак даштларига туташиб кетадиган, лекин ҳали ўзлаштирилмаган неча юзлаб гектар унумдор майдонларни ўзлаштиришда муҳим омил бўлиши мумкин. Колхознинг миришкор деҳқонлари бу поёнсиз массив бағрида яқин йиллар ичида минг гектардан зиёд пахтазорлар, ўнлаб гектар боғ-роғлар барпо этишни мўлжаллаб турибдилар. Бу ерда, жумладан, йирик чорвачилик комплекси ҳам барпо этилади.

Колхоз кооператив уй-жой қурилиш бўлимининг бошлиғи, жумладан, фойдаланишга топширилаётган уйлар ва уларнинг қиммати ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтди. Битта уйнинг нархи — ўн беш минг сўмдан сал юқорироқ. Аммо пайчи уйга кўчиб кириш олдидан бу қимматнинг фақат 30 процентини тўлайди. Қолган 70 процент ҳақ эса, 15 йил бадалида тўлаб борилади.

Ҳозир «Миндонобод»нинг янги кварталлари тез суръат билан барпо этиляпти. Фарғона район колхозлараро қурилиш ташкилоти бунёдкорлари кўркам, ҳар жиҳатдан бекаминқўст, маҳаллий шароитга мосланган қулай уй-жойларни барпо этишда бутун маҳоратларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар. «Миндонобод» шаҳарчаси шу тарика жамол очяпти.

Кооператив усулида уй-жой қуришнинг нечоғли афзаллиги энди кўпчиликка маълум бўлиб қолди. Областдаги қатор хўжаликларда меҳнаткашлар кооператива оммавий равишда ёзилаётганликлари ҳам буни кўрсатиб турибди. Ленинград районидаги «Социализм», Бувайда районидаги «Партия XX съезди», Қува районидаги Димитров номли хўжаликларда ҳам бу соҳада ибратли ишлар қилинмоқда.

Лекин, область колхозлараро қурилиш трести ҳузуридаги кооператив уй-жойлар қурилиши бўлими берган маълумотлар ҳали бирмунча районларда бу муҳим ишга совуққонлик билан қаралаётганини кўрсатмоқда. Кўплаб хўжаликларда кооператив, унинг моҳияти, қулайликлари ҳақида ҳатто тушунтириш ишлари ҳам ўтказилмагани ачинарли ҳолдир. Областнинг Киров, Ўзбекистон, Фрунзе районларида ҳам бу усулдаги қурилишларга эътибор берилиши лозим.

Кооператив усулида уй-жойлар қуриш — ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйган масала. Буюртмачи ҳам, қурувчи ҳам бундан фақат ютиши мумкин. Республикамиз хаританасига энди тушадиган «Миндонобод» шаҳарчаси, унинг биографияси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Г. ГАРЕЛИК,
«Узколхозстрой» бошқармаси ходими.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРТИЯ ДАЪВАТИГА ЖАВОБИМИЗ

ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ҲОСИЛДОРЛИК

Партия ва ҳукуматимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини, жумладан унинг энг муҳим тармоқларидан бўлган сабзавотчиликни ривожлантиришга доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети томонидан қабул қилинган қатор муҳим ҳужжатлар бунинг ёрқин далилидир.

Совхозимиз меҳнат аҳли ана шу ғамхўрликка жавобан йилдан-йилга кўтаринки руҳ, зўр кайфият билан меҳнат қилиб келмоқда. Сабзавотчиларимиз кейинги йилларда фахрланса арзигулик ғалабаларни қўлга киритдилар. Агар 1971 йилда кўтарган ҳосилимиз 5200 тонна, 1975 йилда эса 6580 тоннани ташкил этган бўлса, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида бу миқдор 7480 тоннага етди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, 1971 йилда ҳар гектар экин майдонидан 176 центнердан сабзавот олинган бўлса, ўтган йили ҳосилдорлик 260 центнерга кўтарилди. Мева, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш план ва мажбуриятлари ҳам ортиги билан адо этиб келинмоқда.

Хўжалигимизда ўз ишининг устаси бўлган омилкор сабзавоткорлар кўп. Деҳқончиликнинг миридан-сиригача мукаммал билган бир қатор мўл ҳосил усталари — бригада бошлиқларимизнинг номи ҳозир совхозимиздан ташқарида ҳам маълум. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалерлари Низом Аҳроров, Зарифа Эшова, Маъмур Мусаев; Зия Тошпўлатов, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланганлар Хосият Абдухўжаева, Маъфират Аҳмаджонова, III даражали Шуҳрат ордени кавалерлари Йўлдош Жўрабоев, Раззоқ Эгамбердиев ана шулар жумласидандир. Рихсивой Йўлдошев бошқарувчи бўлган 2-бўлим коллективи совхозимизда байроқдор ҳисобланади. У хўжалигимизнинг меҳнат муваффақиятига энг салмоқли ҳисса қўшмоқда. Низом Аҳроров ва Йўлдош Жўрабоев ҳамда Раззоқ Эгамбердиевлар бош бўлган ишлаб чиқариш бригадалари сабзавот етиштиришда минг тонналик маррага қадам қўйдилар. Бу бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 300 центнерданга айланмоқда. Афзал ота Шарипов ҳамда Исавой ака Қўчқоровларнинг номи бодринг ва сабзидан рекорд ҳосил кўтариш туфайли элга танилди.

План ва топшириқларнинг муваффақиятли адо этилиши ўз навбатида даромаднинг ортишига, ишчиларнинг турмуш шароити янада яхшиланишига олиб келмоқда. Совхозимиз бўйича 1971 йилда 30 минг сўм соф фойда олинган эди. 1976 йил сарҳисобидан бу кўрсаткич 111 минг сўм атрофида эканлиги ойдинлашди. Демак, сабзавоткорларнинг оладиган иш ҳақи ўтган йиллардагидан анча ортиқ бўлади. Уларнинг ўз касбларига бўлган меҳр-муҳаббати, ихлоси янада ортади. Тошкентдек азим шаҳарнинг биқинида жойлашган совхозимиз учун бунинг аҳамияти катта.

Хўш, сабзавотчиликдек сертармоқ соҳада бу ютуқларнинг қўлга киритилиш боиси нима? Қайси омиллар уни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда?

Бу ўринда сабзавотчиликни ихтисослаштириш деҳқончилик маданиятини ошириш, техника воситалари ва ўғитлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Илгаридари хўжалигимизда далалар қуроқ дастурхонга ўхшарди. Ҳар бир бригадада олти-етти хил сабзавот экилиб, ҳосилдорликнинг мазаси бўлмасди. Сабаби равшан: пахта сингари ҳар бир экиннинг ўзи алоҳида бир олам хусусиятга эга. Ўзига хос агротехникаси, табиати бор. Ер танлаш, парвариш қилишда ана шунга қатъий риоя қилиш керак. Экиннинг тури кўп бўлгач, бу талабларга риоя қилиш қийин. Парвариши, суви, чопиғи баравар келиб қийнаб қўяди.

Шу сабабли юқори ташкилотлар билан келишиб, ихтисослаштиришга катта эътибор бермоқдамиз. Хўжалигимизнинг тупроқ картограммасига қараб экин турларини қисқартирдик. Карам, бодринг, сабзи, пиёз етиштириш энг асосий ишимиз бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда сабзавоткорлар олдига қўйилаётган юксак вазифаларни қишлоқ хўжалик машиналари қўмагисиз бажаришни тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, ишчи кучи тақчилроқ бўлган бизнинг хўжалигимизда техниканинг ёрдами сув билан ҳаводек зарур. Ерларни планировка қилиш, карталарни йириклаштириш, малакали механизатор кадрларни кўпайтириш ҳисобига ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Картошкани экишдан тортиб йиғиштириб олишгача тўла механизациялашди. Карам ва помидор кўчати ҳам машиналарда экилмоқда. Гербициддан уддабуронлик билан фойдаланиш ҳисобига сабзи ва карамнинг ҳосилдорлиги ошиб, рентабеллиги ортди. Сабзидан пландаги 12 тонна ўрнига ҳар гектаридан 16-18 тонна, карамдан 20 тонна ўрнига 25-30 тоннадан хирмон кўтарилмоқда.

Сабзавотчиликни ривожлантириш, унинг истиқболи ҳақида мулоҳаза юритганда гапни экинларнинг кўчатини тайёрлаш учун зарур манба ҳозирлашдан бошлаш керак. Усиз бу соҳани оёққа турғазиб бўлмаслиги беш қўлдек аён. Сабзавот экинлари ҳам қуёш фарзанди. Шунинг учун кўчатини қиш бўйи тайёрлаб, пишитиб чиқиш керак. Қиш қаттиқ келаётган кейинги йилларда парникда кўчат етиштириш оғир бўлиб қолди. Арзимаган сабаб билан қилинган меҳнат ҳавога учиб кетиши мумкин. Шу боисдан бизда кўчат тайёрлаш енгил типдаги теплицага кўчирилди. Натижада ишчилар учун жуда катта енгиллик туғилди. Иш шароити яхшиланиб, мата тўқиш, рама ремонт қилиш, котлован қазиш, маҳаллий ўғит ташиш сингари сермеҳнат ишларга барҳам берилди. Кўчат етиштириш олдинги йиллардагига нисбатан икки-уч марта арзонлашиб, ҳар тупи ўрта ҳисобда ярим тийинга тушмоқда. Ҳар йили эҳтиёжимиздан ортиқча кўчат тайёрлаб, қўшни хўжаликларга сотяпмиз.

Сабзавотчиликдаги ютуқларимизга плёнкадан самарали фойдаланиш, эртаги экин учун ерни кузда тайёрлаш ҳам ёрдам бермоқда. Эрта қўклам уруғ тушадиган ерларга кузда ариқ олиб қўйилади. Плёнка остига олиш мўлжалланган майдонларга ҳар гектар ҳисобига 30-40 тоннадан маҳаллий ўғит солиниб, симигача қадаб қўйилмоқда. Натижада февраль ойидаёқ кўчат ўтқазилиб, полиэтилен плёнкаси билан ёпилаётир. Бир неча йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай қилинганда карам ва бодринг ҳосили килоси тансиқ пайтда чиқиб, бозорда кўпаймасдан туриб тугайди. Ундан кейингина очиқ ердаги карамни узишга киришамиз. Ўтган йили бизда эртаги карамнинг баҳоси ўртача 30-40 тийинданга айланди. Бундан катта даромад олдик.

Совет кишилари учун тарихий бўлиб қоладиган 1977 йил остонасидан ҳатлаб ўтдик. Бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйи зўр таннана билан нишонланади. Совхозимиз меҳнат аҳли бу қутлуғ йилга жуда катта орзу-умидлар, интилиш ва мақсадларини боғлашган. Давлатга 7 минг тонна сабзавот, жумладан 2500 тонна карам, 600 тонна пиёз, 550 тонна сабзи етказиб бериш мажбурияти олинди. Бунга қўшимча 400 тонна мева, 618 тонна сут, 30 тонна гўшт тайёрланади.

Ана шу юксак марраларни забт этиш истаги ишчиларимизнинг юрагига чўғ ташлаган. КПСС Марказий Комитетининг Мактубида «1977 йилги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда ҳозир ишимизнинг икки муҳим йўналиши, кўкламги экишга ҳозирлик кўриш ва чорва қишловини ўтказиш алоҳида ўрин олиб турибди» деб айтилган фикрлар бизлар учун даъваткор чақириқ бўлди. Дала ва устахоналарда, теплица ва сутчилик фермасида юбилей йили ҳосили учун кураш барвақт бошланиб кетди.

Ҳамма экин майдонлари куздаёқ ер тузилишига мувофиқ суперфосфат, аммофос ва маҳаллий ўғит солиб 35-40 сантиметр чуқурликда ҳайдалган эди. Дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқиш давом этмоқда. Бу ишга 15 та трактор ажратилган. Шу кунгача далага 3 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқилди. Сув йўлларини чопиб тозалаш тамомланди.

Мавжуд қишлоқ хўжалик машиналари, сеялка ва агрегатларни дала ишларига муддатидан олдин юқори сифатли тайёрлаб қўйиш шу кунги энг муҳим вазифалардан биридир. 20 тракторчи ана шу ишга жалб этилган. Улар учун барча зарур шароитлар яратиб берилди. Натижада мавжуд 42 та трактор, кўчат экиш сеялкалари ва бошқа техника барвақт ремонтдан чиқарилди.

Шу кеча-кундузда эртаги экинлар кўчати тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу йил 10 миллион туп карам, 2 миллион помидор, бир миллион туп баклажон ва болгар гармдориси кўчатлари тайёрлашни режалаганмиз. Карам кўчати расад қилиб қўйилди. Беш килограмм помидор, 4 килограмм баклажон, 2 килограмм болгар гармдориси уруғи сепилди. Куни кеча плёнка остига карам экиш ва редиска сепишни бошлаб юбордик.

Совхозимиз меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига жавобан бу қутлуғ санани нишонлаш учун социалистик мусобақа ҳаракати кенг қулоч ёзаётган 1977 йилда зиммаларидаги план ва мажбуриятларини ошириб адо этиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солдилар.

Т. МЕЛИБОЕВА,
Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози директори.
А. МИРЗОҲИДОВ,
совхоз партия комитетининг секретари.
М. РАСУЛОВ,
совхознинг бош агрономи.

КАРИМ ЗОКИРОВ

Ўзбек совет санъати оғир жудоликка учради. Республика театр санъати ва музика маданиятининг таниқли арбоби, А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик Катта театрининг солисти, Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Зокиров 1977 йил 19 февралда 65 ёшида вафот этди.

Талантли актёр ва вокалист, ўзбек музикали театрининг асосчиларидан бўлган К. Зокиров ўзининг бутун ҳаётини, ноёб талантини республика опера санъатини ривожлантириш ва пропаганда қилишга, миллий ва классик музика маданияти энг яхши анъаналарини ижодда мустаҳкамлашга бағишлади.

К. Зокиров 1912 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Профессионал саҳнадаги унинг ижоди 1927 йилда ишчи ёшлар театрида бошланди. 1929 — 1932 йилларда Ҳамза номли ўзбек давлат драма театрида ишлади. 1932 йилдан бошлаб эса у ўзбек давлат музикали театрида солист бўлди. У 1934—1939 йилларда П. И. Чайковский номли Москва давлат консерваторияси ҳузуридаги опера студиясида ўқиди. Студияни битирганидан то умрининг сўнгги кунларига қадар К. Зокиров Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик Катта театрининг етакчи солисти бўлди.

К. Зокиров кенг қамровли санъаткор эди. Ғожиали, қаҳрамонона-романтик, характерли комик, лирик-драматик ролларни бемалол бажарарди. Ижодий ҳаётининг қариб 50 йили мобайнида у саҳнада рус, классик, ўзбек опера репертуарининг юздан ортиқ образларини яратди. Бу образларнинг кўпчилиги республика музика маданияти тараққиётида босқич бўлиб қолди. У Бўрон, Тоҳир, Тореодор, Улуғбек, Қайс, Фарҳод, Елецкий, Маҳмуд Торобий, Иброҳим образларини зўр маҳорат билан яратди. «Майсаранинг иши» комедия операсида ўзига хос ажойиб юмор ва саҳна қобилияти билан Мулладўст образини яратди.

К. Зокиров ажойиб овозга эга бўлган ва бой драматик палитрага эга бўлган актёр эди. Шу боисдан у яратган образлар фақат ўзбек томошабинларигина эмас, балки қардош республикалар халқлари хотирасида ҳам ҳамиша сақланиб қолади.

К. Зокиров актив концерт фаолиятини олиб борди. У ўз талантини халққа саҳоват билан инъом этди. Республикамизда у концерт бермаган, бу улкан ўзбек қўшиқчисини билмаган жой йўқ.

У катта ижодий фаолияти учун юксак ҳукумат мукофотлари — Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар билан тақдирланган эди. 1939 йилда унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилди.

Улкан коммунист-санъаткор, камтарин меҳнатчи, ўзининг бутун ҳаётини совет санъатига хизмат қилишга бағишлаган К. Зокировнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, А. А. Хўжаев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Р. Ҳ. Абдуллаева, А. О. Тўраев, Д. Абдураҳмонова, Р. Аҳмедов, Ш. Бурхонов, З. И. Есенбоев, В. Й. Зоҳидов, Г. Измайлова, У. Ё. Иброҳимов, С. Эшонтўраева, С. Қобулова, В. О. Козимов, Р. М. Қорнев, Б. Қорнева, М. Қаюмов, А. М. Муҳамедов, Ғ. Н. Нажимов, Р. Н. Назарова, Ҳ. Носирова, Н. Раҳимов, Э. Ш. Солиҳов, Л. Саримсоқова, В. М. Стрижов, Тамарахоним, М. Турғунбоева, Ф. Ю. Турсунов, Р. Ҳамроев, Ф. Шамсуддинов, К. Ерматов, К. Яшин.

ҳалқаро воқеалар

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

УЛУҒ ОКТЯБРГА БАҒИШЛАНАДИ

● БУДАПЕШТ

Улуғ Октябрь юбилейи шарафига ишлаб чиқариш мусобақасини бошлаб берган Чепель меҳнаткашларининг ташаббуси республикада тобора кенг қулоч ёймоқда. Тарихий санага бағишланган мажбуриятлар қабул қилиш — социалистик меҳнат бригадалари вакилларининг шу кунларда ўтказилаётган тармоқ кенгашларида асосий мавзулардан биридир.

Металлургия, машинасозлик ва электроэнергетика саноати илғорларининг вакиллари социалистик меҳнат ҳаракатини ривожлантириш ва шу ҳаракатнинг вазифалари тўғрисида фикрлашиб олдилар. Тармоқ коллективлари Октябрь революциясининг юбилейи шарафига вахтада туриб, меҳнатда янги марраларни белгиладилар.

● БРАТИСЛАВА

Словакия маданият министрлиги Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан катта ва ранг-баранг программани ишлаб чиқди. Театрларнинг саҳналарида В. Вишневскийнинг «Ҳаётбахш ўлим», Н. Погодиннинг «Кремль курантлари», Б. Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса» асарлари премьералари ва баъзи бир бошқа постановкалар кўрсатилади.

Словакиядаги бир қанча театрларнинг артистлари Киев, Львов, Тула ва Ужгород театр коллективлари ҳузурига борадилар ва ўзлари ҳам ана шу коллективларни кутиб оладилар.

● ПРАГА

Миллий техникавий музей Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ёш прагаликлар учун конкурс-викторина ташкил қилди. Конкурс «Олтмиш йил мобайнида совет фани ва техникасининг ривожланиши» мавзуига бағишланган.

Конкурснинг кенг программаси унинг қатнашчиларига СССР ҳақидаги ўз билимларини текшириб кўриш ва тўлдириш имконини беради. Голиблар қимматли соврилар билан, энг муҳими — Москва, Ленинград ва Киевга бориш учун туристик йўлланмалар билан мукофотланадилар.



Озодлик оролида рус тилини ўрганишга қизиқиш тобора кенг тус олаётганлиги Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Ҳозирги кунда Кубада рус тилини мактаб ва педагогика институтларида, курс ва тўгаракларда, радио орқали ўрганмоқдалар.

Китоб магазинларидаги витриналар, вақти-вақти билан ташкил этиладиган кўргазмалар кубаликларни СССРда рус ва испан тилларида нашр этилаётган сиёсий адабиёт ва дарсликлар билан, совет ёзувчиларининг янги асарлари билан таништиради.

Суратда: Гавана институтларидан биридаги совет китоблари кўргазмаси.

(ТАСС фотохроникаси).

АРАЛАШУВ ЙЎЛИДАГИ УРИНИШ РАД ҚИЛИНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин 17 февраль куни Давлат секретари вазифасини ижро этувчи А. Хартман ҳузурида бўлиб, Америка томонининг Совет — Америка муносабатларни ижобий ривожлантириш мақсадларига мос келмайдиган баъзи бир баёнотлари ва ҳатти-ҳаракатларига унинг эътиборини жалб қилди. Шу муносабат билан совет томони «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» деган сохта баҳона билан унинг ички ишларига, давлатларнинг ички компетенциясига мансуб масалаларга аралашиш йўлидаги уринишларни кескин рад қилиши таъкидлаб ўтилди.

Совет томонида Қўшма Штатлардаги милдион-милдион кишиларнинг ишсизлигини, ирқий камситишни, хотин-қизлар тенг ҳуқуқли эмаслигини, гражданларнинг шахсий эркинликлари поймол этилаётганлигини, жиноятчилик кўпайиб бораётганлиги ва шу кабиларни назарда тутиб, инсоннинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш ишининг аҳволи хусусида айтиладиган анчагина гаплар— ҳақиқатан ҳам асосли қилиб айтиладиган гаплар бор. Бироқ, шу нарса равшан бўлиши лозимки, ўз фикрларини бошқа томонга тиқиштириш, бундай масалаларни давлатлараро муносабатлар даражасига кўтариш шу масалаларни чигаллаштирган ҳамда ҳақиқатан ҳам иккала мамлакатнинг бамаслаҳат ҳаракат қилиши ва ҳамкорлиги мавзуи бўлиб қолиши мумкин ва лозим бўлган проблемаларнинг ҳал этилишини қийинлаштирган бўлур эди.

СССР билан АҚШ ўртасидаги тинч-тотув яшаш ва конструктив ҳамкорлик муносабатлари суверенитет ва ички ишларга аралашмаслик принципларини, энг асосий Совет — Америка ҳужжатларида айтилганидек, ўзаро ҳурмат қилишга асосланган тақдирдагина бу муносабатлар иккала халқ манфаатларн йўлида самарали ривожланиши мумкин.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БОЛГАРИЯ

Болгарияда Совет Иттифоқидаги ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Болгария Халқ Республикасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ловеч шаҳридаги бинокорлар бригадасининг бошлиғи Иван Кацаровнинг номини бутун малакат яхши билади. Яқинда унинг бригадаси совет новатори Н. Злобиннинг методидан фойдаланиб, 150 квартирали уй қурилишини белгиланган муддатидан бир ой илгари туғатди. Бригаданинг ўртача ойлик иш унуми планнинг 140—160 процентини ташкил қилди.

Бургас порти ходимлари машҳур совет докери А. Барановскийдан намуна олиб ишламоқдалар.

ПОЛЬША

1978 йилда Варшавада қуриб битказиладиган ва «денгиз кўзгуси» деган шоирона ном олган энг гўзал парк дам олувчиларни улкан шахматлар, сўқмоқ-«шифобахш йўллар» билан, гулзорлар ўртасидаги сув каскадлари ва болалар учун қалин дарахтлар остида қурилган махсус салқин «салонлари» билан хушнуд қилади.

Польша пойтахтининг мана шу хушманзара жойи икки йилдан бери тубдан янгиланмоқда. Парк лойиҳасини тузган инженер Эльжбета Янковская шаҳарнинг марказида Висла дарёси бўйида меҳнаткашларнинг дам олиши ва қувончи учун энг яхши шароит яратилишини кўзда тутди.

Яқин орадаги ботаника боғи ҳам «денгиз кўзгуси» паркига ҳусн қўшади.

РУМИНИЯ

Бухарест— Констанца ва Плоешти-Ажуд темир йўл магистраллари тез суръатлар билан электрлаштирилмоқда.

Бу линияларнинг биринчи участкаси ёзги мавсумда тўла равишда фойдаланишга топширилади. Ёзги қатнов графиги амалга оширилиши билан қўкламги экишга ҳозирлик кўриш ва чорва қишловини ўтказиш алоҳида ўрин олиб турибди» деб айтилган фикрлар бизлар учун даъваткор чақириқ бўлди. Дала ва устахоналарда, теплица ва сутчилик фермасида юбилей йили ҳосили учун кураш барвақт бошланиб кетди.

Ҳамма экин майдонлари куздаёқ ер тузилишига мувофиқ суперфосфат, аммофос ва маҳаллий ўғит солиб 35-40 сантиметр чуқурликда ҳайдалган эди. Дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқиш давом этмоқда. Бу ишга 15 та трактор ажратилган. Шу кунгача далага 3 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқилди. Сув йўлларини чопиб тозалаш тамомланди.

Мавжуд қишлоқ хўжалик машиналари, сеялка ва агрегатларни дала ишларига муддатидан олдин юқори сифатли тайёрлаб қўйиш шу кунги энг муҳим вазифалардан биридир. 20 тракторчи ана шу ишга жалб этилган. Улар учун барча зарур шароитлар яратиб берилди. Натижада мавжуд 42 та трактор, кўчат экиш сеялкалари ва бошқа техника барвақт ремонтдан чиқарилди.

Шу кеча-кундузда эртаги экинлар кўчати тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу йил 10 миллион туп карам, 2 миллион помидор, бир миллион туп баклажон ва болгар гармдориси кўчатлари тайёрлашни режалаганмиз. Карам кўчати расад қилиб қўйилди. Беш килограмм помидор, 4 килограмм баклажон, 2 килограмм болгар гармдориси уруғи сепилди. Куни кеча плёнка остига карам экиш ва редиска сепишни бошлаб юбордик.

Совхозимиз меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига жавобан бу қутлуғ санани нишонлаш учун социалистик мусобақа ҳаракати кенг қулоч ёзаётган 1977 йилда зиммаларидаги план ва мажбуриятларини ошириб адо этиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солдилар.

Т. МЕЛИБОЕВА,
Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози директори.
А. МИРЗОҲИДОВ,
совхоз партия комитетининг секретари.
М. РАСУЛОВ,
совхознинг бош агрономи.

ВЕНГРИЯ

Ўтган йили Венгрия Халқ Республикасида медицина соҳасидаги таниқли чет эл мутахассислари иштирокида 12 та халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Бу симпозиумлар медицинанинг нейрохирургия, кардиология, меҳнат гигиенаси сингари ва бошқа кўпгина муҳим соҳаларида олиб борилган тадқиқотларга бағишланган эди.

Бу илмий анжуманларнинг Венгрияда ўтказилганлиги бежиз эмас. Венгер олимларининг ишига қизиқиш тобора кучаймоқда. Улар кейинги йилларда юрак-томир, ичак, рак касалликларини тадқиқ қилиш соҳасида анчагина натижаларга эришдилар. Ҳукумат медицинани ривожлантиришга, медицина муассасалари тармоқларини кенгайтиришга тобора кўпроқ маблағ сарфламоқда. Шу мақсадлар учун ушбу беш йиллик давомида 16 миллиард форинтдан кўпроқ маблағ сарфланади.

(ТАСС).

ЯКШАНБА КУНГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

◆ РИМ

Италиянинг таниқли жамоат ва сиёсий арбоби, тинчлик учун кураш жаҳон ҳаракатининг ветерани, Италия Коммунистик партияси Марказий контрол комиссиясининг аъзоси Амброжо Донини Улуғ Октябрь социалистик революцияси жуда катта аҳамиятга молик воқеа, у жаҳон тарихининг бутун боришини ўзгартириб юборди, деб айтди.

1917 йилги революция ҳозирги дунёнинг қиёфасини ўзгартирди ва Европадагина эмас, балки шунингдек, Осиё, Америка ва Африканинг ривожида ҳам бурилиш нуқтаси бўлди, деди у.

◆ ВЕНА

Германия Компартияси правлениесининг аъзоси Гейнц Ветцель Германия Федератив Республикасида инсон ҳуқуқи кўп йилардан бери қўпол равишда поймол этилмоқда, бу эса БМТ уставига ва Умумевропа кенгашининг Якуновчи актига тамомила зиддир, деди. [Гейнц Ветцель Венада «социал шериклик» деб аталган мавзуда ўтказилган илмий семинарда қатнашди]. 1972 йилда «радикал ғунсурлар тўғрисида» деийлган реакцион қарор қабул қилинганидан кейин мамлакатда бошқача фикр юритувчиларни қузатишнинг мудҳиш системаси вужудга келтирилди.

Кейинги вақтларда ГФР гражданларидан 800 мингдан ортиқ киши «ишончлилигини текшириш»дан ўтказилди. 2 минг киши мамлакатда демократик ислоҳотларни ва социал тараққиётни талаб этиб чиқанлиги учунгина ишдан маҳрум этилди.

◆ НИКОЗИЯ

Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партияси Марказий Комитети сиёсий бюроси баёнот эълон қилди.

Баёнотда республика президенти архиепископ Макариоснинг 27 январда ва 12 февралда Р. Денкташ билан бўлиб ўтган учрашувлари Кипр масаласини БМТ қарорлари асосида тинч, демократик ва одилона тарзда ҳал этиш учун Кипр халқи олиб бораётган курашда янги йўл очиб беради, дейилади. 31 мартда жамоатар ўртасида бошланадиган музокараларнинг асосий йўналишлари тўғрисида бутимга эришилганлиги шу учрашувларнинг энг муҳим якунидир.

◆ ЛУСАКА

Замбия ташқи ишлар министри Ситеке Мвале жаҳон прогрессив жамоатчилигига мурожаат қилиб, Смитнинг ирқчи режими устидан тўла ва узилкесил ғалабага эришиш учун Зимбабве ватанпарварлар фронтига ёрдамни кучайтиришга чақирди.

◆ ВАШИНГТОН

Қўшма Штатларда пул тобора қадрсизланмоқда. Меҳнат министрлигининг хабар беришича, мамлакатда кун кечириш қиймати январь ойида 1,8 процент ошди. Бу эса кейинги бир ярим йил ичида қиймат-чилик энг кўп ўсганлигини билдиради.

Министрликнинг маълумотларига қараганда, деярли барча озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб кетди. Айниқса, нон, гўшт, сут, пишлоқ, сабзавот, мева, кофе, парранда гўшти ва тухум нархи анча ошган. Америкаликлар 1967 йилда юз доллар турган озиқ-овқат маҳсулотларини 1977 йил январь ойида 175,3 долларга сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар.

◆ МАПУТУ

Жанубий Африка Республикаси ирқчи режими ҳокимиятини ўз қўлида сақлаб қолиш учун армия ва полиция учун тобора кўп миқдорда маблағ сарфламоқда.

Ҳарбий заводлар учун Ғарб мамлакатларидан сотиб олинаётган жуда кўп оғир қуроллар ва ускуналар янги-янги маблағлар сарфлашни талаб этмоқда. Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий бюджети кейинги 3 йил ичида 1.250 миллион рандга етди.

(ТАСС).

У Замбия пойтахтида сўзга чиқиб, Зимбабве озодлиги учун курашчилар бутун мамлакатни золимлардан озод этишга қатъий ахд қилганликларини ва душманга қақшатғич зарба бераётганликларини айтди.

ЗАВОДЛАРНИНГ «ИЛМИЙ ЦЕХИ»

Харьковдаги Киров номли турбина заводида атом станциялари учун бир миллион киловатт қувватли турбина тайёрлашга киришилди. Уни конструкция қилишда Украина ССР Фанлар академиясининг машинасозлик проблемалари институтида яратилган электрон лойиҳа биринчи марта қатнашди. Мутахассислар электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида агрегатда юз берадиган физик жараёнларни «ҳосил қилдилар». Бу эса энг мақбул конструктив ечимларни танлаб олиш имконини берди.

Институтда электрон техниканн янги касбларга «ўргатиш» изчиллик билан олиб борилмоқда. Жумладан, электрон техника ёрдамида листавий пўлатни йирик штамповка ёрдамида бичишнинг оригинал методлари қўлланила бошланди. Энди худди шунча металлдан илгаригига қараганда анча кўп деталь тайёрлаш мумкин бўлди. Бу янгилик Тольяттидаги Волга автомобиль бирлашмасида, Москвадаги Ленин комсомоли номли автозаводда қўлланилмоқда. УССР Фанлар академиясининг ўтган беш йилликда ташкил этилган машинасозлик проблемалари институтини заводларнинг «илмий цехи» дейишлари бежиз эмас.

— Ўнлаб етакчи совет корхоналари йирик хўжалик шартномаларини биргаликда ишлаб чиқишимизда биз билан доимо ҳамкорлик қилмоқдалар, — деди институт директори, УССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Н. Подгорний. — Булар орасида Ленинград, Минск, Харьков ва бошқа шаҳарларнинг заводлари бор. (ТАСС).

„Совет Ўзбекистони"да босилгач...

«БОШ МАВЗУ»

Шундай сарлавҳа остида босилган (газетамизнинг 1976 йил 25 декабрь сони) матбуот обзорида уч область — Андижон областининг «Коммунист», Наманган областининг «Наманган ҳақиқати» ва Фарғона областининг «Коммуна» газеталари иш фаолиятида қатор ютуқлар билан бирга айрим камчилик-нуқсонлар содир бўлаётгани конкрет фактларда кўрсатиб берилган эди. Қуйида ана шу матбуот обзори юзасидан келган жавоблар билан танишасиз.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: Мақола обкомнинг агитация ва пропаганда бўлимида атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокамада область газеталари редакторлари иштирок этишди. Обком газета мақоласида кўтарилган танқидий фикрларни тўғри деб ҳисоблади. Газета редколлегияси мақолада тилга олинган камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқди. Ҳозир сифат ва самарадорлик мавзуида бераётган материалларнинг мазмунига, оммавийлиги ва таъсирчанлиги кучига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, область партия комитети ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатди.

«КОММУНИСТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИ: «Бош мавзу» сарлавҳали матбуот обзори газета редколлегиясида ва редакция бошланғич партия ташкилотининг очиқ йиғилишида муҳокама қилинди. Сўзга чиққан ўртоқлар обзорда газетанинг сифат ва самарадорлик темасини ёритишдаги ютуқ-камчиликлари ҳаққоний кўрсатиб берилганини таъкидладилар. Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Унда жумладан, босилаётган материаллар савиясини талаблар даражасига кўтариш, айниқса, сарлавҳаларнинг жонлилиги ва оригиналлигини таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига қизғин давом этаётган умумхалқ социалистик мусобақасини кенг ёритиш, мусобақа пешқадамларининг, ташаббускорларнинг иш тажрибасини оммалаштиришда редакция коллективининг активлигини янада ошириш лозимлиги уқтирилган.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: Мақолада область газетаси — «Коммуна»да босилган материаллар савиясига жуда тўғри баҳо берилган. Матбуот обзори обкомда, газета редколлегиясида муҳокама қилинди. «Совет Ўзбекистони»нинг ушбу мақоласи «Коммуна» газетасида кўчириб босилди. Мазкур мақола редакция ходимларининг ижодий изланишларида самарали ёрдам беришига шак-шубҳа йўқ.

«КОММУНА» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИ: Матбуот обзори газета редколлегияси йиғилишида муҳокама қилиниб, унда кўрсатилган камчиликларнинг тўғрилиги эътироф этилди. Сифат ва самарадорлик беш йиллигида актуал масалаларни кенгроқ ва яхшироқ ёритиш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди. Йиғилишда сўзга чиққанлар газета саҳифаларида эълон қилинаётган материалларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш юзасидан қимматли фикрларни билдиришди.

Аҳолига кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича давлат план ва топшириқлари ҳамда социалистик мажбуриятларини ошириб бажараётган Тошкент ёғ-мой комбинати ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига зардбор меҳнат вахтасига туриб ишламоқдалар. Корхона коллективи юбилейга қадар 52 миллион 522 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олди. Суратларда: (юқоридан) комбинатнинг илғор ишчилари Карима Раҳимбердиева ва Лола Умарова ўртоқлар иш устида.

Ўнгдаги суратда эса Тошкент тўқимачилик комбинати техника назорати бўлимининг зийрак ходимларидан Татьяна Лабодина, Жамила Йўлдошева ўртоқлар. Уларнинг ҳар бири сменада 10 минг метрдан газлама сифатини текширмоқдалар.

И. Глауберзон ва Ш. Иброҳимов (ЎзТАГ) фотолари.

ИЗЛАНИШ ВА КАШФИЁТЛАР

МАГНИТ «ҲАДЯ» ҚИЛИНДИ

«УРАЛМАШ» ИЛТИМОСИГА БИНОАН ЎТКАЗИЛГАН ЭКСПЕРИМЕНТ

Урал илмий маркази металлар физикаси институтининг ходимлари «Уралмаш» илтимосига биноан пландан ташқари ўтказган битта тадқиқот нодир металларни тежаш фондига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Завод ишчиси В. С. Ходов институтга таркибида қимматбаҳо вольфрами бўлган бир ҳовуч қаттиқ қотишма бўлакларини келтириб бундай деди:

— Биз, йўнувчи ишчилар шу бўлакларни ҳафсала билан йиғиб борамиз. Чунки унинг бир тоннаси 4 ярим минг сўмдан ошиқ туради. Аммо заводда кескиларни йўнишда чанг ҳолида чиқадиган вольфрам қотишма бекор чиқит бўлиб кетяпти. Бундай чанг анча кўп, лекин шу қимматбаҳо чангни йиғиб олишга қодир «пилесос» йўқлиги кишини афсуслантиради, — деб фикр билдирди бир ишчи.

Чанг магнит сепарацияси билан шуғулланувчи мутахассислар институтга келтирилган намуналарни синаб кўрдилар. Қаттиқ қотишма кескиларнинг қолдиқлари кучли ферромагнетизмга эга бўлиб чиқди. Бинобарин, чанг заррачаларида ҳам мана шу ҳосса бўлиши керак.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, олимлар «Уралмаш» ишчиларига кучли бир магнит «ҳадя» қилдилар ва уни станок ёнида синаб кўрдилар. Шунда магнит таркибида вольфрам чиқитларини йиғиш юзасидан йиллик топшириқ бериб борилади. «Уралмаш»да иккита йўнувчи станокда ишлайдиган В. С. Ходовнинг ҳам шундай топшириғи бор. Ишчи олимлар таклиф этган услубдан фойдаланиб, нодир металл тежаш йиллик нормасини 12 баравар ошириб бажарди. У қайтадан эритиш учун 700 килограммдан ошиқ вольфрам чангини йиғиб топширди.

В. СТАРИКОВ,
ТАСС мухбири.
СВЕРДЛОВСК.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

УЙИНГИЗДА МУЗИКА

МУЗИКАГА ИХЛОС ҚЎЙГАН, ҚУШИҚ БИЛАН ДЎСТЛАШҒАН, ЎЗ ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАРИ, ДЎСТЛАРИ, ЯҚИНЛАРИНИ МУБОРАКБОД ЭТИШНИ ХОҲЛАГАН БАРЧА КИШИЛАРНИ

ОВОЗ ЁЗИШ СТУДИЯЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ



Бу студиялар севиб қолинган куй ва қўшиқларни магнитофон лентаси ва бадиий безатилган Самарқанд, Бухоро, Тошкент кўринишлари тасвирланган, чунончи буюртмачининг фото сурати туширилган пластинкаларга ёзиб беради. Пластинкаларга буюртмачининг фотосурати туширилган заказларни бажариш учун студияга глянц қоғозга олинган, тасвири аниқ ва букланмаган, камида 6х9 см. ҳажмдаги фотосурат юборилиши керак.

ФОТОСУРАТЛАР ЗАКАЗ БИЛАН БИРГА ҚУШИБ ҚАЙТАРИЛАДИ.

Заказ-хатда ўз ўй адресингизни, фамилиянгиз, исм ва отангизнинг номини, шунингдек музика асари, лентанинг тури, метражи ҳамда қандай тезликдалигини кўрсатиш лозим.

Почтадан талаб қилиб олинадиган (до востребование) **заказлари бажарилмайди.**

Устама ҳақ тўланадиган заказлар фақат Марказий овоз ёзиш студияси томонидан бажарилади ва мамлакатнинг йўналган аҳоли пунктига юборилади.

Мактаблар, пионер саройлари, ГПТУ ҳамда бошқа ўқув ва маданий-оқартув муассасалари рахбарларининг диққатига! Марказий овоз ёзиш студиясида пионер фонотекаси мавжуд. Бу кўлланма 26 фонограммдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида мавзуга бағишланган (партия, комсомол, пионерия ҳақидаги қўшиқлар ва ҳоказо) ва батафсил каталогга эга. Фонотекадан, шунингдек бадиий ҳаваскорликда концертлар ва бошқа тадбирларни жиҳозлашда фойдаланиш мумкин.

ҲАР БИР ЗАКАЗНИНГ СИФАТЛИ БЎЛИШИНИ НАЗАРДА ТУТИБ, ОВОЗ ЁЗИШ ФАҚАТ СТУДИЯ ЛЕНТАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Бизнинг адрес: 700015, Тошкент шаҳар, Полторацкий кўчаси, 29, Марказий овоз ёзиш студияси.

Томошабинлар мамнун

Область музикали драма театри коллективи яқинда шоир ва драматург Жуманиёз Жабборовнинг «Ўжарлар» комедиясини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Асарни ёш режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳусан Амиркулов сахналаштирган. М. Раҳматова, И. Маҳмудов, Ҳ. Бекинов, Ғ. Йўлдошев сингари артистлар ўзларига топширилган ролларни маҳорат билан ўйнашди.

Областда бошланган баҳор олди театр кунларида янги асар зўр қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

Колхознинг янги посёлкаси

Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг янги посёлкаси учун Учтепа массивидан юз гектар ер ажратилди. Посёлка 700 хўжаликка мўлжалланган. Шу йилнинг ўзида 45 та уй қуриш мўлжалланган. Область колхозлараро қурилиш бошқармаси янги механизациялашган кўчма колонна ташкил этди. Бинокорлар шу йилнинг ўзида 1 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажаришга қарор қилдилар.

«Қуёш» лойиҳаси асосида қуриладиган уйларнинг ҳар бири бир хўжаликка мўлжалланган. 13 сотих ер участкасига эга бўлади. 5 хона ҳамда айвондан иборат. Колхозчилар уй учун сарфланган маблағдан узоқ муддатли тўлов ҳисобига қутулишлари мумкин.

Жиззах «хрустали»

Жиззах пластмасса заводи коллективи бу йил ўн хил янги истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиради. Хрустал кўринишдаги патнислар, печенье ва конфетдонлар сингари пластмасса идишлари январь ойидаёқ кенг миқёсда ишлаб чиқарила бошланди. Савдо тармоқларида Жиззах маркаси билан ишлаб чиқарилаётган пластмассали жиҳозлар, гул тувоклари, эшик тутқичлари сингари буюмлар тобора кўпаймоқда.

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ЖИЗЗАХ

Бахтли билет

Октябрь районидаги Тимирязев номли совхоз ишчиси Нурлибой Тўраев магазиндан харид қилар экан, сотувчи қайтим пул ўрнига ДОСААФнинг лотерея билетини берди. Харидор сотувчининг қўлини қайтармади.

Билет бахтли чиқиб қолди. 076 номерли 116207 серияли лотерея билетига «Москвич-412» автомашина ютуғи чиқди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хонадонлар чароғон

Косон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг Пўлати қишлоғида янги подстанция ишга тушди. Бу подстанция атрофдаги кўпгина қишлоқларни қўшимча электр энергия билан таъминлай бошлади.

Ж. МУЙСИНОВ.

ВАТАНПАРВАР ШОИР ЮБИЛЕЙИ

Ашхобод. Республика жамоатчилиги туркман поэзиясининг классиги Сейитназар Сеидий туғилган кунининг 200 йиллигини нишонлади.

Туркманистон ССР Фанлар академиясининг олимлари юбилейга тайёргарлик кўраётган экан, шоирнинг номаълум асарларини қидириш ва қиришдир. Топилган шеърлар «Туркманистон» нашриёти чиқарган тўпламга киритилди. Ўтмишнинг илғор мутафаккирлари ва санъаткорларидан бирининг ижоди тўғрисидаги илмий мақолалар тўплами ҳам босилиб чиқди. Бу тўпламни Маҳтумқули номли тил ва адабиёт институтининг олимлари тайёрлашган.

Шоирнинг юрти — Ламма қишлоғида Сеидий музейи очилди, шоирга ҳайкал ўрнатилди. Тил ва адабиёт институти илмий советининг шоир ижодига бағишланган сайёр илмий сессияси бўлиб ўтди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚУЁШ—УЛКАН КАМЕРТОН

СССР Фанлар академияси Қрим астро-физика обсерваториясининг олимлари қуёш мураккаб акустик резаноторга ўхшаб тебраниб туради, деган нашфиёт қилдилар. Улар уч йил олиб борган тадқиқотлар натижасида қуёшнинг ўз барканги ташқи халқасига нисбатан марказий қисмининг ҳаракат тезлигини аниқладилар ва тебраниш даврини чиқардилар. Бу тебраниш доимий бўлиб, 160,004 минутга тенг экан.

— Асосий тебраниш даври билан бирга, — деди иш раҳбари академик А. Б. Северний, — яна иккита тўлқин — даври 146 минутга борадиган бир тўлқин, даври 171 минутга борадиган иккинчи бир тўлқин ҳам топилди. Уччала тебраниш бир вақтда рўй беради. Қуёшда рўй берувчи жараёнлар тўғрисидаги янги муҳим маълумотлар қуёш энергиясининг асосий манбаи сифатида ҳисобланиб келинган термоядро реакцияси тўғрисидаги назарияга шубҳаланиш учун асос беради. Олдиндан бўлса-да, бугунги кундаёқ қуёш ичида ҳозир мавжуд назарий таассуротларга кўра тахмин қилинганидан анча кўпроқ оғир элементлар бор, деган хулоса чиқариш мумкин. Америкалик тадқиқотчи Р. Дэвис ўтказган экспериментлар ҳам шу гапни тасдиқлайди.

Научний посёлкаси,
Қрим области.

М. ТУРОВСКИЙ,
ТАСС мухбири.

ДАРАХТЛАРГА ДОРИ

Нефтни қайта ишлаш маҳсулларидан мевали дарахтларни даволайдиган шифобахш дори олинди. Бокудаги «Нефтгаз» заводининг мутахассислари республика фанлар академияси зоология институтининг олимлари билан ҳамдўстликда шундай дори рецептини ишлаб чиқдилар. Озарбайжоннинг мевачилик хўжаликларида янги дори синовдан яхши ўтди.

Н. БАРСКИЙ,
ТАСС мухбири.

А Ж А Б С А В Д О Л А Р

ПЎСТИН КИЙИБ КЕЛИШДИ

Қишли-қировли кунларда Тошкент шаҳрининг Али Қушчи кўчасидаги 7-ҳаммомга келганлар совуқ еб қайтишаверди. Ёш болалар тезда шамоллаб қолишди. Ана шундай гаройиб аҳвол ҳақида турли томонларга шикоят хатлари йўлланди. Хат юзасидан текширишга келган ўртоқлар эса: «Ҳаммомдаги аҳволни кириб кўрадиган бўлсак, шамоллабнетиб қолмайлик яна», — деб поча пўстинларини ола келдилар. Барибир на шикоятлардан ва на уларни маҳкам ушлаганича 7-ҳаммомга келиб, бу ердаги аҳвол билан танишиб қайтган ўртоқлардан заррача наф етмади. Шояд фойдаси тегиб қолса, деган ҳолис ният билан қўлга қалам олдик.

Октябрь районининг Оқтепа маҳалласидаги бу ҳаммом қурилиб битмаёқ, таърифи эл оғзига тушган эди:

— Алоҳида-алоҳида ваннахоналари бор экан.

— Буғ хонаси жоннинг роҳати эмиш.

— Умумий хоналари ҳам ваннахона-ю, буғхоналардан қолишмас эмиш. Душларидан сув ашула айтиб тушар эмиш.

1975 йилнинг учинчи кварталида «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трестининг 7-қурилиш бошқармаси амал-тақал қилиб тиклаган ҳаммом биносини омонэсон топшириб олди. Омадлари келганини кўрингки, буюртмачи — Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармасидаги ўртоқлар: «Қурилишдаги камчиликларни кўрмай қўя қолайлик»,— дея кўзларини чирт юмишди-да, қабул актига чиройли қилиб имзо чекишди. Ҳаммом очилди. Одамлар бирин-кетин кела бошлашди.

Кунлар ўтаверди. Ваннахоналар билан буғхоналарнинг очилишидан дарак бўлмади. Маълум бўлишича уларнинг эшиклари икки қаричли михлар билан маҳкамланиб ташланган экан.

Одамлар ранжиб қайтишаверди, планлар сурункасига бажарилмай қолди. Ҳали ҳам худди шундай. На ваннахона ишлайди, на буғхона! Бу ҳам камлик қилгандек, сув етишмаяпти, баҳонаси билан умумий хоналардаги душлар ҳам маҳкамлаб ташланган.

Давлатнинг бир неча ўн минг сўми сарф этилиб қурилган ҳаммом иш бошлаши биланоқ нега шундай аҳволга тушиб қолди? Ҳаммом биносининг шундоққина ёнгинасида қурилган ҳашаматли қозонхона узун мўрисини кўз-кўз қилганича савлат тўкиб турибди. Бирон дақиқа ҳам ишлатилгани йўқ. Буғхоналарни ситиш ва уларга буғ етказиб бериш мақсадида қурилган мосламалар ҳам олов нима эканлигини билмай турибди. Шундай бўлганидан кейин қандай қилиб ҳаммом бечора исисин?!

Тошкент шаҳар ижроия комитети коммунал корхоналар бошқармаси бошлиги Р. А. Карапетовдан «Хўш, ҳурматли ўртоқ, сиз бунга нима дейсиз?» — деб сўрадик. У шу йилнинг 27 январида ўзи имзо қўйган бир справкани бизга тақдим этди. Унда мана бундай дейилади:

«Мазкур ҳаммом дастлабки лойиҳага кўра ўз қозонхонаси орқали иситилиши лозим эди. Шу қозонхонадан ҳаммом яқинидаги болалар боғчаси ҳам фойдаланиши кўзда тутилганди. Қурилиш давомида ўзгариш киритилиб, бу мақсаддан қайтилди ва ҳаммомни Тошкент шаҳар уй-жой бошқармасига қарашли бирлашган қозонхона орқали иситиладиган бўлинди. Ҳаммом учун қурилган махсус қозонхона кўмир билан ишлашга мослаштирилгани сабабли санитария-эпидемиология станцияси ундан фойдаланишга рухсат этмади. Шу атрофда яшовчи аҳолининг соғлиғига зарар етказмаслик мақсадида ана шундай қилинди. Тошкент шаҳар капитал қурилиш бошқармаси буюртмаси бўйича 6-қурилиш трестига қарашли 7-қурилиш бошқармаси тиклаган қозонхона ҳозирги кунда яроқсиз аҳволда ётибди. Қозонхона қурилиши охирига етказилмаган, ҳеч ким уни қабул қилиб олмаган, бирор кун ҳам ишлатилмаган.

Ўзаро тузилган шартномага кўра бирлашган қозонхоналар дирекцияси 7-ҳаммом учун фойдаланиладиган сувнинг иссиқлигини камида 60 градус бўлишини таъминлаши керак. Аслида 30-40 градусдан ошмаяпти. Бу корхона раҳбарларига бир неча бор арз қилишимизга қарамай аҳвол ўзгармаяпти».

Ана шунақа! «Фалончи акам овга чиқди, кетидан говга чиқди», — деганларидек, 7-ҳаммом хўжакўрсинга ишга туширилиши биланоқ қурилишдаги камчиликлар яққол кўринди қолди. Энди қозонхона ҳамда буғхоналарни иситадиган махсус Мосламаларни газ билан ишлайдиган ҳолатга келтириш керак. Бунинг учун уларни аввал бузиш, кейин янгидан газбоп қилиб қуриш керак. Бунинг учун ҳам минг-минг сўмлаб сарф-харажат лозим. Аввалдан пухта ўйлаб, пухта лойиҳа асосида бошланмаган қурилиш доимо мана шундай ташвиш келтиради. Ҳашаматли қозонхона қуриш ва жиҳозлашга беҳуда кетган сўмлар энди кимнинг гарданига тушади? Бу саволга буюртмачи — Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бош бошқармаси бошлиги О. П. Горбунов жавоб бериши керак.

ШАҲАРДАГИ „ОРОЛ“

Тавба, бу қанақаси бўлди, шаҳарда ҳам «орол» бўлар эканми, дерсиз? Сабр қилинг.

Юнусобод Тошкент шаҳри яқинидаги обод қишлоқлардан бири эди. Тошкентда янги қурилишлар бошланиб, унинг атрофида муҳташам бинолар, уй-жойлар қад кўтарди. Замонавий массив бунёд этилди, шундай қилиб, қадимги Юнусобод Тошкент шаҳри бағрида бир оролдек бўлиб қолди. Уни Тошкент шаҳри составига ўтказиш ҳақида бир неча бор гап-сўзлар бўлди. Лекин нимагадир ҳамон у Тошкент областининг Тошкент райони ҳисобида турибди. Юнусобод маҳалласида 360 га яқин хонадон истиқомат қилади. Битта ўрта мактаб ва битта катта шифохона бор. Мактабнинг кўп сонли ўқувчилари дала ишларида Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» ҳамда К. Маркс номли колхозларнинг меҳнаткашларига ёрдам бериб келишмоқда. Афсуски, маҳалла аҳолиси, мактаб ва шифохонанинг эҳтиёжларини қондиришга Тошкент район ижроия комитетидаги раҳбар ўртоқлар лоқайдлик билан қараб келишди. Масалан, маҳалла хонадонларини газлаштириш кўп йиллардан буён пайсалга солиб келинмоқда. Маҳалла активлари тегишли идораларга арз қила-қила чарчашди. Чунончи, кунларнинг бирида маҳалла активларидан тўрт-беш киши пенсионер Фатхулла Мецхамедов бошчилигида Тошкент район ижроия комитетига илтимос билан боришди:

— Илтимосларингизни қаноатлантира олмаймиз, сабаби маҳаллангиз Тошкент шаҳри ҳисобига ўтяпти, — дейишди райондагилар.

Шундан кейин активлар Тошкент шаҳар ижроия комитетига ариза йўллашди. Яна қаноатланарли жавоб олинмади.

Тошкент шаҳри бағрига жойлашган Юнусобод маҳалласи аҳолиси шу кунларда ғалати бир аҳволда қолган. Улар Тошкент районига қарашадими ёки Тошкент шаҳрига? Кўчаларининг номи, уйларининг номери бўлмаганидан обуначиларга газета, журналлар, хат ва телеграммалар ўз вақтида етиб келмайди ёки бутунлай йўқолиб кетади. Бу ердагилар Жалолқудуқдан йўлланган бир телеграмма тўққиз кун деганда аранг эгасининг қўлига етиб келганини сўзлаб юришибди. Газетхон Маъсуда Муҳамедова эса йил бошидан буён ўзи обуна бўлган газетанинг бирорта сонини ҳам олгани йўқ. Бундай аҳвол кўп йиллардан буён давом этиб келмоқда.

Юнусобод маҳалласи модомики Тошкент шаҳри территориясига жойлашган экан, шубҳасиз, у Тошкент районига эмас, Тошкент шаҳрига қараши керак. Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси учун яратилган ва яратилаётган барча қулайликлардан манфаатдор бўлмоғи лозим. Тошкент шаҳар ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар ана шу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

У. ЮСУПОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Т о ш к е н т д а н г а п и р а м и з в а к ў р с а т а м и з

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— — Гимнастика. 10.30 — Эртага соат еттида (спектакль). 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — Ёзувчи Д. Фурманов ижодиёнинг саҳифалари. 17.10 — Биз табиат билан таниш-миз. 17.30 — Фан оламида. 18.00 — Ёшлар вдреслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Уйнаб қўшиқ айтамиз. 19.30 — Телевизион очерк. 20.00 — Телевизион музикали фильм премьераси. 20.35 — «Шимолий флот юнгаси» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — «Қизил елканлар» (бадиий фильм). 18.30 — «Старшеклассник». 19.15 — Узбек цирки усталари. Х. Зарипов. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Зардбор меҳнатимиз — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 20.20 — Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз Флоти кунига. «Жангларда тобланганлар». 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Концерт. 21.50 — «Ўзбекистон» телекиножурнали. 23.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — «Қишлоқ ҳаёти» программаси. 22.50 — В. Ғафуров. «Вафодор» (кўп серияли телеспектакль. 2-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Икки океан сири» (бадиий фильм, 2-серия). 20.10 — Ўқитувчи экрани. 20.40 — Янгиликлар. 21.00 — Назарий механика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Композитор М. Бурхонов қўшиқлари. 9.30 — Тошкент область бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари ижро этадилар. 11.15 — Оталаримиз анъаналарига содиқмиз (очерк). 11.25 — Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар. 12.10 — Узбекистон ишчиси. 13.00 — Анастасия Чудная издошлари. 13.30 — Чет эл мамлакатларининг артистлари ижро этадилар. 14.00 — Дон етиштиришни кўпайтирамиз. 16.10 — «Октябрь илҳомлари». 19.00 — Учинчи беш йиллик йилномаси. 19.20 — «Юность Узбекистана». 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Х. Хожинабиева ва Н. Ҳамроқулов куйлайди. 22.00 — КПССнинг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати — амалда. 22.40 — А. Ҳакимов. «Бургут човути» (повестдан боб). 23.15 — Дам олиш соатида (концерт).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да Оқшомдан тушгача, 23/II да Пўртана, 24/II да Келинлар қўзғолони (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/II да Туркман қизи, 24/II да Олифта.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—22/II да Ишқ қурбонлари (17.30), 23/II да Беш кунлик куёв (17.30), 24/II да Ишқ қурбонлари (16.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ГРУЗИЯ ЦИРКИ» коллективи, ҳамда Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҲАКИМ ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «УЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ» коллективининг чиқишлари (19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ (катта зал) — Ҳимоя учун сўз (кундуз ва кечқурун).

Ҳимоя учун сўз — «ВОСТОК» (11, 13, 15, 17, 18.30, 20, 21.30), «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00), «НУКУС» (11, 13.30 16, 18.15, 20.30), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

ЎРТА ОСИЕ РЕГИОНАЛ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудирлари: ташқи муҳит ифлосланишини ўрганиш бўлими қошидаги гидрометеорология (доктор ёки фан кандидати); гляциологик ишларни автоматлаштиришнинг тажриба-конструкторлик группалари;

лаборатория катта илмий ходимлари: геофизик ионосфера, актив таъсир кўрсатиш бўлими. (2 ўрин);

лаборатория кичик илмий ходимлари: геофизик ионосфера, актив таъсир кўрсатиш бўлими.

КОНКУРС МУДДАТИ — 19 МАРТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефонлар: 33-61-13, 33-20-67.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

умумий тилшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Мукимий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ МАХСУС ЎРТА МИЛИЦИЯ МАКТАБИ

1977—78 ўқув йилига

КУРСАНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ЎРТА МАЛАКАЛИ ЮРИСТЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 2 йил.

МАКТАБГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ: СССР тарихи (оғзаки), рус тили ва адабиёти (ёзма). Ўрта мактабларни рус тилида битирмаганлар баён ёзадилар.

Тошкент шаҳар ва областлар ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармаларининг кадрлар бўлимларига учрашилсин.

БАЛИҚЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

АРНАСОЙ, АЙДАР, ТУЗКОН КЎЛЛАРИДА СУДАК, ОҚҚАЙРОҚ ВА ЧУРТАН БАЛИҚЛАРИНИ ТУТИШ ҲАМДА АМУДАРЁ ВА СИРДАРЁЛАРДА БАЛИҚ ОВЛАШ

1 мартдан 1 июнгача СУРХОНДАРЁ БАССЕЙНИДА

16 мартдан 6 майгача ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДА ҚАШҚАДАРЁ БАССЕЙНИДА

10 апрелдан 1 июнгача ВА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БОШҚА ҲАММА СУВ ҲАВЗАЛАРИДА

16 апрелдан 1 июнгача

БАЛИҚ ТУТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ «УЗБЕКРИБВОД».

Узбекистон ССР Ёзувчилар союзи ва СССР Адабиёт фондининг Узбекистон бўлими СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, 1927 йилдан буён КПСС аъзоси

Бонс **ҚОРИЕВ** (Олтой) нинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги, Узбекистон Театр жамияти ва маданият ходимларининг республика касаба союз комитети Узбекистон ССР халқ артисти, Навоий номли Узбек Давлат Академик Катта театрининг солисти, Узбекистон Театр жамиятининг аъзоси

Карим **ЗОКИРОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 08899. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 44.